




# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 14-sentabr, chorshanba • № 39 (739) • 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## Она сайёра иммунитети


Энг муҳими, озон қатлами қўшнинг ультрабинафа нурларини ўртача 98 фоизгача ютиш салоҳиятига эга. Аммо тараққиёт шиддати ва одамзотнинг узига қулайлик яратиши натижасида озон қатламига жиддий шикаст етатганини ҳам ёлдан фаромуш қилмаслигимиз керак.



5-бет

## Асрлар махзани битилган қоғоз


Бобур ўзининг "Бобурнома" аса-рида "Дунёдаги энг яхши қоғоз Самарқандда чиқади. Қоғоз тегиримон-лари учун ҳамма сув Кониқилдан келади. Кониқил Сиб ариги қирғоғида жойлашган. Барча жувоzlари ҳам шу ердадир" деб ёзди.



6-бет

## Ахалтака шўхрати

Альбомнинг "Аргумоқлар изидан" бобида эса Ўзбекистонда ва дунёнинг қатор мамлакатларида ахалтака отлари билан боғлиқ спорт клублари, заводлари ҳақида кенг маълумотлар берилган.



8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Геология-қидирув ишларини ташки этиш ва олиб бориш тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.


7 сентябрь куни мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги» Қонунига имзо чеқди.

7 сентябрь кунидан Ўзбекистон Республикасининг «Умумжаҳон почта иттифоқининг Уставига Саккизинчи қўшимча баённомани (Женева, 2008 йил 12 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси билан Қатар давлати ўртасида икки томонлама муносабатларини ривожлантириш тўғрисидаги Битимни (Доха, 2010 йил 24 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунлари кучга кирди.


9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Оқсаройда Словакия Республикаси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Ҳиндистон Республикаси, Италия Республикасининг мамлакатимиздаги фавақулда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Юрий Сивачек, Абдурахмон бин Абдулла бин Абдурахмон аш-Шае, Анумула Гитеш Сарма ва Рикардо Манардан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



## Ҳузурбахш зиёрат



## Ватан ичра сайр

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арфасида Тошкент – Самарқанд йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электропоезди қатновининг йўлга қўйилгани халқимизга муносиб тўхфа бўлди.



воситалари ходимлари «Afrosiyob» электропоездининг навбатдаги йўловчилари бўлдилар. Улар учун безатилган дастурхонлар атрофида шарқона тавозе билан қўлларини кўксига қўйган ёш йигит-қизлар нурунийларнинг хизматида. Мўсафидлар эса истиқлолга, шу кунларга етказгани учун Яратганга шукроналар айтиб, «Юртимизнинг истиқлолини абадий, барча раҳбарларимиз ва меҳнатсевар халқимизни соғ-саломат асрагин!» деб дуо қилган, йўл тадориғини кўришга тушдилар.

Энди бизни замин сайқалига олиб борган «Talgo» ҳақида икки кали-

2»



## Публицист минбари

### Устюрт ўз бағрини очмоқда

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати. Айни пайтда у буюк орзу-умидлар, яқдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик юрти. Турли миллат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улугвор хонадон.

Ислам КАРИМОВ

4 луг донишманд Низомулмулк ўз «Сиясатнома»нинг ўн саккизинчи фаслида «Хар бир ишнинг тadbирини донолар, кексалару дунё кўрган кишилар билан ҳал қилиш керак» деб ёзганда минг баробар ҳақ эди.

Бағрида беҳисоб бойликлари бор Устюрт заминдан қизил салтанат узок йиллар давомида ўзининг стратегик мақсадлари йўлида фойда-

Эвазига денгизнинг қош-кўзига қордек оппоқ туздан қиров кўнди, беҳисоб кемаларнинг сатхи сирқилиб қолди. Бутун Урта Осиёга салқин эпкин йўлаган юз минглаб гектар яшил қамишзорлар, бутазорлар тақирга, миллиард-миллиард тонна туз қатламига айланди. Ер юзининг энг гўзал, хо-нишлари газал қушлари Матайкуми макон тутмай, олис-олисларга кўчиб кетдилар. Минглаб балиқчиларнинг қайиқлари кум бағрига тўш урганича лол қолди.

Қорабовур, Кийиксой, Чуруқ мавзеларига ҳарбий вертолётлар кўнди. Устюрт-Мўйнок-Қозқодарё-Сариқамиш худудларида экологик муаммолар қуюқлашди. Нафаси бўғизга тикилган сахро сомондек сарғая бошлади.

3»

ОБУНА — 2012

## Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! «HURRIYAT» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. Маълумиятисизки, 2012 йил учун обуна давом эттирилмоқда.



«HURRIYAT» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтаемиз: «HURRIYAT»нинг нашр индекси — 233

## Тарғибот

### «Ҳуқуқ билимдонлари»

Ёшлар — юрт истиқболини белгиловчи бунёдкор куч. Буни ёшлик ғайрат шижоати билан илм олаётган, юксак орзу-мақсадлар сари илдам интилоётган йигит-қизлар кўзидан, сўзида англаш мумкин.

А длия вазирилик ташаббуси билан Андижон вилоятининг Марҳамат тумани ва Асака шаҳри, Фарғона вилоятининг Қувасой ва Фарғона туманлари, Наманган вилоятининг Наманган ва Мингбулоқ туманларидаги академик барқарор тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Тадбирда мутахассислар томонидан мустақил йилларида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг асосида яратилган «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида», «Вояга етмаганлар ўрта-

сида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар моҳияти, экологик маданият, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгариш ва янгиликлар борасида кўргазмали чиқишлар ташкил этилди.

Шунингдек, жорий Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар тингланди.

Адлия вазирилик томонидан яратилган Мен буюк ва муқаддас Ватан фарзандиман деб номланган махсус фильм намоиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Учрашувлар якунида «Ҳуқуқ билимдонлари» аниқланиб, уларга ташиқотчиларнинг фахрий ёрлик ва асдлиқ совғалари топширилди.

Ислам СУЛТОНОВ

## Ҳузурбахш зиёрат

(Бошлангичи А.Бетоба)

Мустақиллик йилларида ана шундай муваффақиятга эришишимиз чиндан-да дилларга сурур бағишлайди. Бу йиллар ичида юртимизда минглаб километр янги темир йўллар барпо этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғланди. Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Бухоро, Тошкент — Қарши йўналишларида "Регистон", "Шарк" ва "Насоф" тезорар поездларнинг катнови йўлга қўйилди. Тошкент темир йўл вокзали ва бошқа қатор шаҳарлардаги вокзаллар қайта реконструкция қилинди, таъмирланди, янги-янгилари барпо этилди. Халқро ва маҳаллий йўналишларда қатновчи поездларда кўрсатилган хизматлар сифати замон талаблари даражасига кўтарилди.

"Afrosiyob" поездига қайтадиган бўлсак, унда йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Айниқса, йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар, мўтадил ҳароратнинг таъминланиши бизга жуда маъқул бўлди. Салонлар юмшоқ ўриндиқлар, видеомониторлар билан жиҳозланган. Ойналари йўловчиларни шовқиндан, кўш нуридан ҳимоя қилади. Йўловчилар кийим ва юкларини аввалгидек қўлида опичлаб ўтирмайди. Бунинг учун алоҳида жойлар мавжуд. Унда хизмат қилаётган ходимларнинг кийиниши, муомала маданияти ҳам йўловчиларга кўтаринки кайфият бағишлайди.

Кўплаб давлатлар темирйўлчилари юртимизнинг бу соҳадаги ютуқларига тан берди, ҳавас қилди. Бундай поездлар дунё бўйича атиги саккизта давлатда бор экан. Истиқлолимиз туфайли Ўзбекистоннинг ана шундай илгор мамлакатлар сафидан жой олаётгани ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Ана шундай таассуротлар оғушида эканимизда поезд қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига етиб келди. Бу ерда меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида гуллар билан кутиб олинди. Улар Самарқанд темир йўл вокзалида амалга оширилган кенг қўламли

ишлар, йўловчилар учун яратилган қулайликлар билан танишдилар. Шунингдек, Амир Темур мақбараси, Улугбек расадхонаси, Регистон, Шоҳи Зинда ва Имом Бухорий мажмуаларини зиёрат қилишди. Бу масканларда амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини мамнуният билан тилга олдилар.

— Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан халқимизнинг миллий, диний қадриятлари қайта тикланди, — деди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов. — Буюк аллоамларимизнинг, азиз авлиёларимизнинг қадам-жолари обод этилди. Бугун ушбу масканларга ташриф буюрган юртдошларимиз ўзлари учун катта руҳий мадад, маънавий куч-қувват олмоқда. Халқимиз қандай буюк зотларнинг авлоди, нақадар бетакрор мероснинг вориси эканини янада теранроқ ҳис этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий халқро маркази юртимиздан етишиб чиққан алломалар ҳаёти ва ижодини ўрганиши, шунингдек, дин соҳаси ходимларининг малакасини ошириш, мамлакатимизда ислом маърифатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

...Самарқанддан пойтахт сари йўл олган темир тулпор орадан икки соат ўтар-ўтмас Тошкентга кириб келди. Ҳа, мамлакатимизда юқори тезликда юрвучи поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш борасидаги орзу-умидлар амалга ошди. Яқин келажақда Бухоро, Қарши ва Термиз шаҳарларига ҳам ана шундай тезорар поездлар қатнови йўлга қўйилишига ишончимиз комил. Бу Президентимизнинг мамлакатимизда темир йўл транспортини ривожлантиришга, халқимизга, дунё сайёҳларига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини юксалтиришга, уни энг ривожланган мамлакатлардаги даражага олиб чиқиш йўлида олиб бораётган доимий ғамхўрлиги ва ҳаракатининг амалдаги самарасидир.

**Раҳматулло САЙФУДИНОВ,**  
Тошкент шаҳридаги "Ҳўжа Аламбардор"  
жомеъ масжиди имом хатиби

### Божхона хабари

Амалдаги тартибларга мувофиқ, республикада резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидagi нақд хорижий валютани боғжона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан четга эркин олиб чиқишига рухсат этилган.

Аммо айрим қонунбузар фуқаролар томонидан амалдаги тартибларга зид равишда нақд хорижий валюталарни яширинча хорижий мамлакатларга олиб чиқишга уринишлар учраб туради.

### "Унутилган" валюталар

Яқинда "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган боғжона комплекси ходимлари томонидан шу турдаги бир неча қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Пойтахтлик С.Зинаида 1000, Тошкент-Сеул йўналишида парвозга отланган В.Марат эса қўл сумкасидаги 1100, янгийўллик Я.Валентина 2700 АҚШ доллари-ни боғжона ходимларидан беркитиб, олиб ўтишга ҳаракат қилди. Аммо хижолатдан ер чизиб қолдилар.

Тошкент вилояти боғжона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам йирик миқдордаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

"С.Нажимов" боғжона пости орқали пиёда чегарадан ўтаётган фуқаро И.Людмила ҳам боғжоначилар олдида мулзам бўлди. У ички кийимлари орасига салкам 8600 АҚШ доллари-ни яширган экан.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан боғжона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2010 йилнинг ўтган 8 ой давомида республикада боғжоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан аниқланган 700 га яқин қонунбузарлик ҳолатларида салкам 1 миллион 250 миң АҚШ доллари-нинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**Хусен ТАНГРИЕВ,**  
Давлат боғжона қўмитаси  
Матбуот хизмати инспектори

### Ишбилармонлик

## ЭЛ МАДАДКОРЛАРИ



Иқтисодий тараққиёт мамлакат келажагини белгилайди. Шу нуқтаи назардан, истиқлол йилларда юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка нечоғли эътибор берилётганини жорий йилнинг шу ном билан аталганидан ҳам билса бўлади.

ша мазкур корхона эътиборида. Бу ерда ишловчиларнинг фарзандлари корхона томонидан берилган йўланма асосида ёзги таътилда оромгоҳларда дам олиши ташкил этилди. Ана шу савобли ишларга йил давомида 25 миллион сўм маблағ ажратиш мўлжалланган.

Корхона таъсисчиси Мўсинжон Меҳмонов яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Ўрикзор қишлоғидаги эски мактабнинг ўрнига янги мактаб биносини барпо этишга киришди. Қурилиш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бундан қишлоқ аҳли жуда хурсанд.

— Истиқлолимизнинг ўтган йиллари ичида асрларга тенг ишлар қилинганга гувоҳ бўласиз, — дейди Мўсинжон Меҳмонов. — Бу бизни янада кўпроқ меҳнат қилишга, ишларни рағбатлантиришга, давлатимиз раҳбарининг сайёҳаракатлари билан биз тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган. Улардан унумли фойдалана олсак, бас.

Бир ютуқ иккинчи ютуққа замин яратди, деганларга рост экан. Навбатдаги режага биноан Ўрикзор қишлоғининг юқорисидан, қир-адирлар орасида цемент ишлаб чиқарувчи мини- завод қурилишини бошлаб юбордик. ОАТ «Алоқа» банкнинг вилоят бўлими билан шартнома асосида иш бошладик. Корхонага ажратилган кредитга хитойлик ҳамкорлар октябрь ойида цемент ишлаб чиқарувчи мини заводни етказиб беришди. Унга завод пойдевори тикланди. Шу ернинг ўзида 100-200 метр чуқурликда катта сув босими борлиги аниқланди. У ерда ҳам қазил ишлари олиб бориляпти.

Қатрлар йиғилиб ирмоқларга, ирмоқлар эса дарёларга айланади. Дарё сувидан ерлардаги экин-тикин, дарахту гуллар баҳра олиб яшнганидек, М.Меҳмонов каби тадбиркор инсонлар олиб бораётган хайрли ишлар натижасида эл-юрт обод бўлиб бормоқда.

**Абдужаббор ХУСАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист

Суратда: М.Меҳмонов (ўнгда) ишлаб чиқариш бўйича мутахассис П.Абдуразоқов билан

### Соғлом авлод

## Саломатлик шартлари

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти репродуктив саломатлиқни мамлакатларнинг демографик ривожланишида муҳим жиҳатлардан бири сифатида эътироф этган. 2005 йилда бўлиб ўтган ЖССТнинг умумжаҳон саммити иштирокчилари репродуктив саломатлиқни кафолатлаш масалаларини Янги миңг йиллик тараққиёт дастурига киритишгани бежиз эмас.

Г ап репродуктив саломатлик ҳақида кетар экан, туғуруқ ёшидаги аёллардан ташқари ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам эътибордан қочириш керак эмас. Зеро, репродуктив функцияларнинг изчил ва раво ишлаши кўп жиҳатдан ёшларнинг соғлом турмуш тарзи талабларига қай даражада амал қилишига ҳам боғлиқ. Афсуски, бу даврда айрим ўғил-қизларимиз гиёҳванд моддаларни татиб кўриш, таркибиди алкоголь бўлган ичимликларни истеъмол қилиш, тамаки чекиш каби ноҳўй ишларга қўл уриб қўйишлари мумкин. Оқибатда уларнинг саломатлигига

жиддий зарар етиши ҳеч гап эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида яқинда «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси қошида очилган «Оила» тиббий маркази республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий поликлиника жамоалари билан

ҳамкорликда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясида ишловчи хотин-қизларни кенг қўламли тиббий кўриқдан ўтказди. Улар терапевт, кардиолог, гинеколог, отолоринголог, офтальмолог, эндохринолог, невропатолог каби мутахассислар томонидан текширилди. Тиббий кўриқ давомида ходимларнинг соғлигини атрофликларга ўрганиш мақсадида умумий тахиллар, қондаги қанд миқдорини аниқловчи анализлар ўтказилди. Ички аъзолар УТТ тиббий ускунасида текширилди.

Хукуматга қарашли бўлган «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармасининг «Оила» тиббий марказида Тошкент шаҳрида 151 нафар хотин-қизлар, вилоятлардаги соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятида 133, Хоразм вилояти бўйича 397, Навоий вилоятидан 106, Бухорода 619, Қорақалпоғистон Республикасида 616 нафар хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўриқ

даврида хотин-қизларга «Яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари», «Никоҳдан аввалги тиббий текширувнинг аҳамияти», «Аёлларда саратон хасталиқларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш», «ОИВ ва ОИТС сабаблари, унинг профилактикаси», «Она сuti — бебаҳо неъмат» мавзуларида семинарлар ўтказилиб, иштирокчиларга мавзуга доир буклетлар тарқатилди. Мазкур тиббий кўриқни ташкил этиш ва ўтказишда республика «Саломатлик» институти, унинг вилоятлардаги ва Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳудудий филиалларида меҳнат қилувчилар фаол қатнашди. Тиббий кўриқдан ўтган туғиш ёшидаги аёлларга шифокорлар ўз тавсия ва маслаҳатларини бердилар. Экстрагенитал касалликларга қалинган беморларга ўз яшаш жойларидаги даволаш муассасаларига йўланмалар берилди.

**Халима РУСТАМОВА**

### Таълим

## Мурғак қалбларда Ватан ишқи

Чирчиқ шаҳридаги 6-умумтаълим мактабидан кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчилар ўқувчиларга сабоқ бериб келишмоқда. Ана шундай устоз педагоглардан бири — олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Гулчехра Эргашевадир.

Г.Эргашева, мана 30 йилдирки, ёш авлод тарбияси йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. У ноанъанавий дарс усулидан, ўқитишнинг илгор педагогик услубларидан фойдаланган ҳолда, дарс машғулотларини ташкил этишга ҳаракат қилади. Бу, албатта, ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишлари-

ни кучайтириб, таълим самардорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Яқинда 2-«А»-синфи ўқувчилари иштирокида ўтказилган «Бу ёруғ оламда Ватан ягона» дея номланган очик дарс машғулотини ҳам кўпчилиқда, хусусан, дарсга таклиф қилинган педагоглар ва ота-оналарда катта қизиқиш уйғотди. Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб Ватан, мустақиллик ҳақида шеърлар ўқиди, давлатимиз рамзлари тўғрисидаги билимларини намойиш қилишди.

**Акмал АЛЛАМУРОВОВ**  
олган суратлар



# ЖАРАЁН

## Устюрт ўз бағрини очмоқда

(Бошланғич 1-бетда)

Устюрт замини мамлакатимизнинг энг қадимги худудлари сирасига қиради. Профессор Сергей Толстов раҳбарлик қилган Хоразм археология-этнография илмий сафари иштирокчилари биргина 1948 йили Устюрт саҳросидан олиб неолит даврига оид 60 га яқин қадимий мақонларни аниқлаган эдилар. Биргина «Тепма» маконидан ибтидоий аждодларимиз чакмоқтошдан ясаган 1300 дона меҳнат ва ов қуроллари чиққан. «Тепма», «Булок», «Кўшбулок», «Белеули», «Чагалай», «Ўтебой», «Кендирили» ва бошқа маконлардан насбасини толган бобоконларимиз моддий маданиятимизнинг дастлабки пойдеворини бунёд эттишган. Денгиз соҳили, Ўзбой ва Ўкуз дарёлари воҳаларида яшаган сак, массагет, апасиак, печенег, хорасмий қабилаларидан қолган муқаддас маконлар ўша даврларнинг тилсиз гувоҳларидир. Кейинчалик бу дёрда «Алпомиш», «Қирққиз», «Шахриёр», «Эдигей», «Мастподшоҳ» каби қаҳрамонлик эпослари, халқ достонларида тасвирланган не-не чигал, не-не шавкатли воқеалар юз бермаган дейсиз.

1989 йилнинг июнида Ўзбекистон раҳбари этиб сайланган Ислоҳ Каримов республика билан танишишни Тошкент ёки Термиз, Нукус ёки Намангандан эмас, табиий ва ижтимоий машаққатлар курсида қолган Кўнғирот ва Қозоқдарёдан, Мўйноқнинг муаммоларини ўз кўзи билан кўришдан бошлади. Ушунда Юртбошимизнинг Мўйноқ ва Қозоқдарёга кадамини кўйганидан буён йигирма икки йил ўтди. Бу даврда Устюрт саҳроси истиқлолнинг ҳаётбахш садолари остида



кўлнинг қадрини, балиқчи чўлнинг қадрини билмайди. Қорақалпоғистоннинг қийинчилиги Қизилқумнинг жузғунидан юз баробар кўп. Ўзбекистонга Ислоҳ Каримовдай чинакам азаматнинг боши билан нур устига нур бўлибди. У кишидек эл ташвиши билан яшайдиган, дардини тинглайдиган фидоийнинг давлат тепасига келиши бизлар учун Аллоҳнинг инояти. Илоийм мустақиллик кемаси равои сузиб кетсин. Эл бошчисининг олтин боши омон бўлсин!» деб дуо қилгани худудимизнинг эсимизда.

Юртбошимизнинг Мўйноқ ва Қозоқдарёга кадамини кўйганидан буён йигирма икки йил ўтди. Бу даврда Устюрт саҳроси истиқлолнинг ҳаётбахш садолари остида

асрий гафлатидан уйғонди. Мамлакат озод бўлиши билан Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида энг аввало «Кўнғирот — Бейнеу» қитъаларо автомобиль йўли қурилишига киришилди. Бугунги кунда асосий ишнинг катта қисми бажарилган, Ўзбек Миллий автомагистралнинг бу қисмидан Устюртга хорижлик ҳамкорлар кириб келмоқдалар.

Ҳа, олисда Устюртнинг дўстлари оз эмас. Бу заминнинг табиий газ ҳамда газ конденсат захираларини ўзлаштиришда Жанубий Корейнинг «КНОС», Россия Федерациясининг «Газпром» ва «Лукойл», Хитой Халқ Республикасининг «СНПС», Малайзиянинг «Петронас Чаргали» компаниялари иштирок эт-

моқдалар. Айни кунда Устюрт регионидан 13 та сармовий блок белгиланган. Улардан «Қуаниш», «Фарбий Урга», «Оқшўлок», «Оқмўйин», «Шахлараро автомобиль йўли қурилишига киришилди. Бугунги кунда асосий ишнинг катта қисми бажарилган, Ўзбек Миллий автомагистралнинг бу қисмидан Устюртга хорижлик ҳамкорлар кириб келмоқдалар.

Шу йил август ойида иккала давлат раҳбарларининг Тошкентда бўлган олий даражадаги мулоқотларида бу ишларни янада кучайтириш

юзасидан ўзаро фойдали келишувлар имзоланди. Ўзбекистон — Корея музокараларида Президентлар Ислоҳ Каримов ва Ли Мён Бак яна бир бор Орол денгизининг қуриб бориши сабабли юзга келган экологик вазият наники шу мамлакат, шу минтақа, айни чоғда бутун сайёра учун ҳаёт-мамат масаласи эканини таъкидладилар. Бугун Оролбўйида генофондга, иқтисодий ва ижтимоий йўналишларга оид муаммоларни бартараф этиш бўйича яқдиллик билан иш олиб бориш зарурлигини ўқтирдилар. 2011 йилнинг 24 августда Устюрт заминининг «Ақшўлок» мавзеси, «Қирққиз» аҳоли маскани яқинида икки мамлакат ҳамкорлигининг нақли намунаси — Устюрт газкимё мажмуаси қурилишига асос солинди.

— Устюрт газкимё мажмуаси мустақил мамлакатимиз кимё саноатининг улкан корхоналаридан бири бўлади. — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши Раиси Баҳодир Янгибоев. — У йилига 400 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Минглаб ёшлар иш билан таъминланади. Кўнғирот сода заводининг қад кўтариши билан Элобод шаҳарчаси шаклланиб бурса, янги гигант корхона яна бир шаҳарчага асос солади. Мажмуа қурилишига илк гишт қўйиши муносабати билан ўтказилган телекўприкда Юртбошимиз бу корхона бутун Оролбўйи истиқболда янги саҳифа очишини алоҳида таъкидлади. Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида геологлар бу заминдан нефть захирасининг нишонларини топдилар. Демак Устюртнинг жавоҳирлар сандиғига олтин қалитлар солинимоқда!

Қорақалпоқда «Бош — бошига бий бўлсанг, Минор тоққа сизмассан, бош қалқонинг бор бўлса, ёнган ўтда куймассан» деган доно нақл ҳам бор.

Тезюор поездларда «Мискин-Нукус-Кўнғирот-Жаслик-Қарақалпоқ» йўналишидан ўтган йўловчилар, «Кўнғирот-Бейнеу» автойўлининг равои, кенг трактидан ўз уловида ўтган сайёҳлар, саҳро бағридаги яшил шаҳарча Элободда чой ичган, Кўнғирот сода заводидек гигант корхонани кўрганлар суверен Ўзбекистоннинг сайёҳаракатлари, шунингдек, олис ва яқиндаги дўстлар, ҳамкорлар кўмағида Устюртнинг озод юрт устуларидан бирига айланганини кўрмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Забардаст шоир Ибройим Юсупов юрт шаънини шундай куйлаган эди:

*Шон-шарафнинг Асқар тоққа  
тенг халқим,  
Меҳнат деса, шимарилган  
енг халқим,  
Куч-ғайратинг тошиб оққан  
Амудай,  
Феълинг сенинг Устюрт каби  
кенг, халқим.*

Феъли Устюрт қадр кенг халқнинг бағрикенглиги, саровати истиқлолнинг ўтган 20 йили давомида ўз исботини топди. Биз яхши ниятлар билан келган барча биродарларимиз қатори кореялик дўстларимизга ҳам меҳр ва ҳамкорлик эшикларини очяпмиз. Биз улар ва бошқа ишончлик ҳамкорларимиз билан Оқтумшўқдаги табиий газ, Тебинбулоқдаги қора, Жамансойдаги рангли металл конларини очамиз, улкан-улкан корхоналар қурамиз, янги-янги шаҳарлар барпо этамиз, равои йўллар яратамиз. Ушунда йиллар ва йўллар оша «Қирққиз» элига, Бердақ ва Ажинёз дёрига янги асрда улғайган навқорон йигит-қизлар ҳузурига дунёнинг тўрт томонидан ўз замонининг илғор ҳамкорлари кириб келадилар.

**Янгибой КўЧҚОРОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат қўратган журналист,  
«Энг улуг, энг азиз-2010» танлови ғолиби

## Тафсилот Камерал назорат

Юртимиз солиқ тизимида кечаётган ислохотлар, янгилашлар ҳақида соҳа ходимлари омма орасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан жорий йилнинг биринчи сентябрь ҳолатига кўра туманда фаолият юритаётган 5263 та корхона ва ташкилотнинг молиявий аҳоли ўрганилиб чиқилди. Солиқ тўлаш мажбуриятига эга бўлгани 4890 корхонадан 323 таси белгиланган муддатда ҳисоботларни тақдим этмагани аниқланди. Шу сабаб туман давлат солиқ инспекциясининг Камерал назорат бўлими ходимлари амалдаги қонунга мувофиқ 356 та корхонага ҳисобот тақдим этиш тўғрисида таллабномалар жўнатди. 173 корхонада бу борадаги камчиликларни бартараф этишга эришилди. Бу ерда ишлаётган 211 нафар мансабдор шахс 10 миллион 550 минг сўм миқдорда жаримага тортилди. 2011 йил учун ҳисоботлар тақдим этмагани учун давлат солиқ инспекцияси бошлигининг 183 та корхонанинг тижорат банкларида ҳисоб рақамларига банд солиш тўғрисида қарори чиқарилди.

Шунингдек, давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ахборотнома топширмаган ва маълумотларида камчиликлар аниқланган ҳар бир корхона таҳлил этилди. Улардан 76 та чакана савдо бўйича 23 миллион 749 минг 500 сўм, 48 та умумий оватланиш корхоналарига 18 миллион 425 минг 700 сўм миқдорда талабномалар берилиб, ундирилган маблағ давлат бюджетига ўтказилди.

**Ўрол РАҲМОНОВ,**  
Мирзо Улуғбек туман ДСИ Камерал назорат бўлими бошлиғи

## Кўз чароғон бўлганда...

Бир тасаввур қилинг-а: кўзга чанг ёки ғубор кўнди. Шу заҳоти одамнинг тинчи йўқолади, беҳаловат бўла бошлайди. Яна бир қиёс. Хеч ўйлаб кўрганмисиз, инсон нега фарзанди, жондан азиз яқинлари, қимматбахо, кадрдон буюмларини кўз қорачиғидек асрашга ҳаракат қилади? Чунки кўз инсон учун роятда муҳим аъзо ҳисобланади. Ақл-идрок, онг-тафаккур, хагги-ҳаракатлар бошқарилишида кўзнинг алоҳида ўрни бор. Инсон кўз орқали ўзини назорат қилади, дунёқарашини бойитиб, тафаккурини шакллантиради, оламни англайди. Шундай экан, инсондаги бу нозик ва мураккаб аъзони даволоччи кўз шифокорлари — офтольмологлар меҳнатининг ҳам ўзига хос машаққатлари бор.

Барча соҳалардаги каби тиббиётнинг офтольмология йўналишида ҳам истиқлол йилларида оламшумул ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохоналарда дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби мураккаб кўз жарроҳлиги амалиётлари бажарилаётганини фахр-ифтихор билан таъкидлаш ўринли. Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида бўлиб, бунга яна бир қарра амин бўлди.

Шифохонада аҳолига малакали офтольмологик-жарроҳлик ёрдами, режали тез даволлаш хизматлари кўрсатиш баробарида соҳа мутахассисларининг илмий тадқиқотлар олиб боришига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бола-

лар кўзини даволаш ва ҳимоя қилиш, кўз травматологияси, катаракта ва глаукомани даволаш, витреоретинал хирургия ва диабетология, офтольмопластика бўлимлари билан бир қаторда лазер билан даволаш, диагностика, консултатив поликлиника ва лаборатория бўлимларининг мавжудлиги беморлар учун ниҳоятда қулай имкониятлар туғдирмоқда.

— Сизги туйғуларидан бири — кўз орқали кўриш инсонга инъом этилган энг олий бахтдир, — дейди шифохона бош шифокори, республикада хизмат қўратган соғлиқни сақлаш ходими Клара Валиева.

Ҳар қандай одам олам гўзалликларини кўргандагина ҳаёт завқи ва лаззатини янада теранроқ ҳис қилади. Лекин ҳаётда турли тасодифлар, кўнгилсиз ҳодисалар боис ана шундай имкониятдан маҳрум бўлиб қолаётган инсонлар ҳам учраб туради. Уларга яна ил-

гаригидек кўриш бахтини ҳада этиш эса чинакам мўъжиза. Бу ўзига хос меҳнат ва машаққатларни талаб этади. Жамомиз аъзолари шу йўлда ўзларининг бор билим ва тажрибаларини аямаяптилар. Муолажа ишларини тубдан яхшилаш, офтольмология хизмати халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш мақсадидаги сайёҳаракатлар ўз ижобий самарасини бермоқда. Турли хилдаги жарроҳлик ва даволаш усулларининг илк бор бизнинг шифохонамизда ўтказилаётгани ҳам изланишларимиз маҳсулидир.

Дарвоқе, бундан саккиз йил илгари шифохонада биринчи марта замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Витреоретинал жарроҳлик бўлими ташкил қилинган эди. Ўтган йиллар ичида бу ерда кўпгаб мураккаб витреоретинал операциялар бажарилди. Энг асосийси, зарур дори-дармонлар, микрохирургик асбоб-ускуналар, тикув материаллари, фазкозультисификатор, микроскоп, сунъий гавҳарлар, анестезиологик асбоб-ускуналар борлиги учун беморларга жарроҳлик ёрдами кўрсатиш, офтольмологик технологияларни юқори даражага кўтариш имконияти вужудга келди.


— Чет элдан «Миллениум» офтольмохирургик аппарати олиниш операцияси самараси яхши бўлади. Кўрмай қолган беморларни даволаш қийин кечади. Негаки, кўз ичидаги тўр пардаларининг хасталаниши кучаяди. Чандиклар ҳосил бўлишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, соҳада юксалиш, ривожланиш бошқичи давом этмоқда. Ютуқлар

нади. Эндофтольмологик хасталик жарроҳлик йўли билан даволанади. Қолаверса, тўр парданинг катта йиртилишлари, кўчиши, шисасимон танини алмаштириш каби муаммоларни ҳал қилишда унинг хизматлари беқиёс.

Ҳозир юртимиздаги барча офтольмологик клиникаларда кўз олди қисми операцияси кенг қўлланилади. Чунки бу усул анча олдин такомиллаштирилган. Лекин кўзнинг орқа қисми операцияси жуда кам қўлланилади. Ушбу усул бизнинг шифохонада илк марта жорий этилган. Асбоб-ускуналарнинг барчаси илгари кўз олди қисми операцияси учун мослаштирилган эди. «Миллениум» офтольмохирургик аппарати айни шу жараён, яъни кўз орқа қисми операциясида ҳам қўлланилади. Агар беморда кўз гавҳари орқали кўз шифохонада ҳам қўлланилади. Агар беморда кўз гавҳари орқали кўз шифохонада ҳам қўлланилади. Агар беморда кўз гавҳари орқали кўз шифохонада ҳам қўлланилади.

Халқимизда касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган афзал, деган нақл бор. Кўз касалликларининг ҳам бошланишидан олди олинса операция самараси яхши бўлади. Кўрмай қолган беморларни даволаш қийин кечади. Негаки, кўз ичидаги тўр пардаларининг хасталаниши кучаяди. Чандиклар ҳосил бўлишига олиб келади.



халқаро анжуманларда бот-бот эътироф этиляпти.

Ҳар бир соҳада бўлгани каби офтольмологияда ҳам жaxon тажрибасини амалиётга татбиқ этиш учун хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Шифохона ходимлари дунё офтольмологияси соҳасидаги амалий ва илмий билимларини такомиллаштириш мақсадида Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Финляндия, Австрия, Франция, Голландия, Малайзия сингари давлатлардаги ҳамкасблари билан тажриба алмашини аънанаси яхши йўлга қўйилган.

— Кўз инсон учун нақадар муҳим аъзо эканини бошимга ташвиш тушган, янада кўпроқ ҳис қилдим, — дейди журналист Аминбой Ортиқбоев. — Гап шундаки, яқинда хизмат сафаридан уйга қайтаётган-

дим, автобусда бироз мизғиб қолибман. Бир маҳал кўзимни очсам, битта кўзим кўрмаяпти. Илгаридан сал-пал оғриб юрган бўлса-да, унча эътибор қилмагандим. Қўрқиб ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Шифохона ходимлари дунё офтольмологияси соҳасидаги амалий ва илмий билимларини такомиллаштириш мақсадида Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Финляндия, Австрия, Франция, Голландия, Малайзия сингари давлатлардаги ҳамкасблари билан тажриба алмашини аънанаси яхши йўлга қўйилган.

— Кўз инсон учун нақадар муҳим аъзо эканини бошимга ташвиш тушган, янада кўпроқ ҳис қилдим, — дейди журналист Аминбой Ортиқбоев. — Гап шундаки, яқинда хизмат сафаридан уйга қайтаётган-

лакасини ошириш институтининг офтольмология кафедраси билан ҳамкорлик қилинади. Бундан ташқари, ўрта тиббий ходимлар малакасини ошириш билим юрти, Россиянинг Уфа, Москва, Екатеринбург шаҳарларидаги ҳамкасблар ва Германия офтольмологлари билан ўзаро ҳамкорликда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон табиатан гўзаллик шайдоси. Бунда унга энг яқин кўмакчилардан бири кўзлардир. Зотан, кўз туфайли олам гўзаллигидан баҳраманд бўла-ди. Орулар рўёбини кўриб чексиз қувончга тўламиз. Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси жамоаси инсонларга ана шу бахтни ҳада этиш йўлида камтарона ва фидоий ишларни олиб боришда Тошкент врачлар ма-

**Ҳидоят Жўраева,**  
«Hurriyat» мухбири

## Тиббиёт

# Веб-сайт — тараққиёт омили

Интернет тезкор ахборот алмашинув воситаси сифатида ҳаётимизга шиддат билан кириб келди ва аллақачон тараққиётнинг барча жабҳаларига сингиб, яқин кўмакчимизга айланди. Эндиликда замон билан бўйлашаётган кишилар ижтимоий ҳаётини интернетсиз тасаввур қилиши дарғумон. Эътиборли томони, айни пайтда минглаб соф ўзбекона сайтлар, дунёнинг қайси чеккасида бўлишидан қатъи назар, виртуал олам ихлосмандларининг узоғини яқин, мушқулини осон қилмоқда.

Бугунги кунда UZ миллий домендаги сайтлар сони қарийб 12,5 мингтадан ташкил қилмоқда. Электрон рақамли имдодан фойдаланувчилар сони деярли 3 баробарга, вазирилик ва идоралар веб-сайтлари орқали тақдим этилаётган интерфасл давлат хизматлари 2,8 баробарга кўпайди, интернет тармоғидан фойдаланиш борасида хизмат кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони 1000 дан ошди. Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 7,7 миллион кишига, халқаро ахборот тармоқлари қўллашнинг умумий тегиши эса 3,75 Гбит/с га етди.

Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тизими дунёдаги 180 мамлакатга чиқиш билан 28 та йўналиш бўйича бевосита халқаро каналларга эга, бунда толали-оптик ва сунъий йўлда тизимларидан фойдаланилади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ахборот-кутубхона марказлари жағмаси 2 минг нусха адабиётга кўпайиб, умумий фонди 4 миллион 936 минг нусхани ташкил қилди. Ҳозирги кунда барча ахборот-кутубхона марказларининг электрон каталоги қарийб 500 минг библиографик қайдлардан ташкил топган.

Илгор халқаро стандартлар медиа соҳанинг ҳаракатчанлиги, теъкорлиги, рақобатбардошлигини янада ошириш имконини беради.

Бу, айниқса, бугун — рақамли технологиялар асрида, бутун дунёда ахборот коммуникация технологиялари ниҳоятда жадал ривожланган даврда жуда муҳим.

Юртимизда ахборот соҳасини ривожлантириш борасидаги қонунчилик асосини қарийб йигирмита қонун ва меъёрий ҳужжатлар ташкил этади ва бу йўналишда бир қанча миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, даврий босма нашрларнинг электрон шаклини, ахборот алмашуви жорий этиш, интернет журналистикани жадал ривожлантириш ҳам эътибор марказидаги масалалардан ҳисобланади. Қувонарлиси, айни пайтда барча марказий нашрлар билан вилоятлар таҳриратлари ўз сайтларига эга. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг «Мамлакат ҳудудий, туман ва шаҳар газеталари ўртасида глобал интернет тармоғи негизда ахборот айирбошлаш тизимини яратиш» лойиҳаси асосида қарийб 100 га яқин таҳрират интернет тармоғи негизда ахборот алмашинувнинг тезкор ва сифатли тизими билан таъминланди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий янгиликлар етказадиган веб-сайтлар тармоғининг кенгайишига замин яратди. Аммо уларнинг барчаси ҳам талаб даражасида деярли олмайдими? Хўш, соҳани янада ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш керак?



Пойтахтимиздаги «Toshkent Palace» меҳмонхонасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Босма ОАВ фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этишнинг долзарб вазифалари» мавзусидаги икки кунлик семинар-тренинг ана шу мақсадга бағишланди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Фуқаролик жамиятининг шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, юртимиздаги илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, марказий нашрларнинг веб-сайтлари маъмул журналистлар иштирок этиди.

Семинарнинг фонд раиси Абдулазиз Абдуллаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг қўйи палата депутаты — Фахриддин Комилов ва Илхом Абдуллаев, UZINFOKOM маркази сектор бошлиғи Алихон Назаров, ZivoNet ахборот-ресурс тармоғи мутахассиси Нигора Умарова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ОАВ эркинлиги ва мустақиллигини мустақимлаш борасида амалга оширилаётган илохотлар, интернет тизимидан

фойдаланиш масалалари, сиёсий модернизация жараёнида замонавий ахборот коммуникация технологияларининг аҳамияти, босма нашрларнинг веб-версиялари, уларнинг ўзига хослиги ва дизайни каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Бундан ташқари, босма ОАВнинг ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техника базасини ривожлантириш, улар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация ва рақамли технологияларни жорий этишнинг амалий жиҳатлари, виртуал ахборот маконини ривожлантириш ҳолати ва тенденциялари, йирик медиа тузилмалар ва ҳудудий нашрлар ўртасида тезкор ва сифатли ахборот алмашуви тизимини яратиш, ОАВ ижодий ва муҳандис-техник ходимлари касб маҳоратини ошириш, соҳага алоқадор олий ўқув юртли ва таълим марказларида кадрларни тайёрлаш масалаларининг турли жиҳатлари каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирнинг иккинчи кунда Тошкент ахборот технологиялари университети катта ўқитувчиси Бобомурод Бобоев; «InfoXizmat» МЧЖ директори Алишер Юсупов, миллий телерадиокомпаниянинг

Истиқболли медиа-лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўлими мутахассиси Нарғис Қосимова, Фуқаролик жамиятининг шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассиси Хуршид Шеров, «InfoCOM.UZ» журнали таҳриратия кенгаши раиси Александр Сучковлар босма нашрлар, жумладан, партия нашрлари электрон саҳифаларининг дизайни, босма ҳамда интернет нашрларида реклама бериш ва жойлаштириш имкониятлари мавзуларида маъруза қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат ва ношароит ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмағида ташкил этилган мазкур семинарнинг маърузалар ҳамда амалий машғулотлар шаклида ўтказилгани фойдадан холи бўлмади, — дейди Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раисининг ўринбосари Акбар Жонузоқов. — Соҳанинг етук мутахассиси ва экспертлари томонидан босма оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистларга ўз нашрларининг веб-сайтларидан самарали фойдаланиш йўллари юзасидан зарур тавсиялар ва масалалар берилгани, ўйлашимизки, келажақда ўз самарасини беради. Бу эса пировардида, фуқароларни янги ва зарур ахборотлардан теъкорлик билан таъминлашга асос бўлишига шубҳа йўқ.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган тадбирда соҳада кўлга киритилаётган ютуқлар билан биргаллик айни пайтда айрим марказий нашрларнинг веб-сайтлари халча талаб даражасида эмаслиги, баъзи нуқсонларга йўл қўйилаётгани, хусусан, уларга теъкорлик билан маълумотлар киритишда, реклама-лар жойлаштиришда сусткашликка йўл қўйилаётгани қайд этилиб, бу борада тегишли тавсиялар берилди.

Иномжон АБДИЕВ, «Hurriyat» мухбири

Фикр сўзда намён бўлади. Сўз эркинлиги эса ҳар қандай мамлакат тараққиёти учун зарур ҳодиса. Турли қарашларнинг билдирилиши ва шу асосда энг мақбул фикрнинг танлаб олинишига имкон яратадиган сўз эркинлиги кишиларнинг шахс сифатида ўзлигини намён этишига, фуқароларнинг ижодкорлик имкониятлари ўсишига кенг йўл очилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

## Сўз ҳақида сўз

Шўро сиёсати ҳукронлиги даврида сўз эркинлиги чекланган, бу эса кишиларда боқимандалик кайфиятини яратган эди. Жамият ижтимоий-иқтисодий турғунликка юз тутганди. Фуқаролар қанчалик ижодкор, бунёдкор бўлишса, улар яшаيدиган жамият шунча обод ва фаровон бўлишини бугун эндигина кутлуғ 20 ёшини нишонлаган истиқлолимиз мисолида кўриб, билиб турибмиз.

Ахлоқ-одоб доирасида қўлланмаган сўз эркинлигини суиистеъмол қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қимматини таҳрирлашга олиб келиши ҳам мумкин. Бу эса шахннинг ҳақ-ҳуқуқини пойма олти билан баробар. Фуқаронинг қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларга зид хатти-ҳаракати жинойят саналади. Шунинг учун ҳам «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида «Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг маъмул конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўрилгандаги ўзга сирини ошкор этиш, жинсий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди», деб белгилаб қўйилган. Сўз эркинлигидан мамлакат арванга йўлида фойдаланиш, ҳар бир сўзга беғина боилк тарзда тасарруф этишига имкониятлар қўламини оширади.

Д.РАСУЛМУХАМЕДОВА, ТДЮИ доценти

## Маънавий хавф

# Ахборот оқими, огоҳлик замони

Ҳозирги даврда инсон маънавиятига қарши қаратилган турли хавф-хатарларнинг маънавияти, уларнинг салбий таъсир даражаси, вайронкорлик қўламини англаб этиш ва шу асосда доимий курашга тайёр туриш учун қандай билим ва тажрибаларга, зарур фазилатларга эга бўлиш лозимлигини билиб олишдан аввал, биринчи навбатда, бугун биз яшаётган замон ҳақида, унинг асосий устувор хусусиятлари ҳусусида етарлича тушунча ва тасаввурларга эга бўлишимиз даркор.

XXI аср — ахборот асри, глобаллашув жараёнларининг миллий кўрилмаган даражада тезлашуви даври, юксак технологиялар замони. Буларнинг барчаси тўғри. Бу ютуқларнинг ҳаммаси инсоннинг бахту қасди учун хизмат қилиши лозим.

Лекин яна бир инкор қилиб бўлмайдиган томони шундаки, агар биз огоҳ ва хушёр бўлмасак, қудратли ахборот оқими ҳам, глобаллашув жараёнларидан ҳам, юксак технологиялардан ҳам қатта хатарлар содир бўлиши турган гап. Бунинг тасдиғини сохта ахборотларнинг тарқатилиши оқибатида дунёнинг баъзи мамлакатларида қонли тўқнашувлар, жанжал ва тўполонлар келиб чиқаётгани, ишлаб чиқариш, санонат соҳаларининг, жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви тўғрисидаги зарар етказилаётгани, бу ўз навбатида, глобаллашувга қарши кучларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлаётгани, техноген фалокатлар сони тобора кўпайиб бораётгани (масалан, Япониянинг Фукусима шаҳридаги атом электр станциясидаги портлашлар, Россиянинг Саано-Шушенск ГЭСидаги ҳалокат, ГЛОНАС тизимида му-

вафқиятсизликлар) ва бошқа қўллаб мисолларда кўриш мумкин. Шу маънода, бугунги даврни ахборот замони, глобаллашув замони ёки юксак технологиялар замони дейишдан ҳам кўра, огоҳлик замони, деб аташ, бизнингча, ҳар томонлама ўринли ва асослидир.

Мамлакатимиз Президентини Илхом Каримов 1996 йилдаёқ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деган сўзлар билан бежиз инсониятни хушёрликка ва сезгирликка чақирмаган эди. Бу — келгуси, XXI аср огоҳлик замони бўлмоғи зарур экани ҳақида Юртбошимиз томонида билдирилган ҳаққоний даъват эди. Кейинги воқеалар ривож, дунё тараққиётдаги бугунги ижобий ва салбий тенденциялар бу даъватнинг наққар тўғри эканини исботламоқда.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги мураккаб замонда одамзот ҳар қадамда хушёр бўлмасан, аввало, унинг ўзи кашф этган техник янгиликлар фойда эмас, зарар келтириши мумкин. Энг ёмони, инсонлар ўртасидаги лоқайдлик ва бепарволикдан фарзанд кучлар фойдаланиб,

ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириши ҳеч гап эмас. Энг ёмони шундаки, лоқайдлик ва бепарволикнинг ўзи бугунги кунда қатта хатарга айланмоқда. Ана шундай эътиборсизлик, лоқайдлик натижа-сида бугун бутун дунёга «оммавий маданият» бемаза қовунинг уруғидек тез тарқалиб кетмоқда. Агарда ҳар бир одам «оммавий маданият» намуналарида қандай қатта хавф-хатар борлигини сезса, ўзига ўзи «Ахир, инсонийлик мезонларидан узоқ, сохта бундай фойда бермайди-ку? Унинг турган-битгани зарарку?» деган ҳаққоний саволларни бериб, уларга жавоб топиб яшаса эди, албатта, ҳозирги хавотирга ҳожат қолмаган бўларди. Лекин одам бундай саволларни ўзига бериши ва сергақ тортиши учун ҳаётга, унинг синоваларига руҳий-маънавий жиҳатдан тайёр бўлмоғи лозим. Бунинг учун оиладан бошлаб мактаб, маҳалла ва меҳнат жамоасигача — жамиятдаги барча тарбия институтлари ўзaro ҳамжиҳатликда, изчил иш олиб бориши зарур. Зеро, Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида айнан ана шу инсти-тутларнинг маънавиятни шакллантириш ва юксалтириш борасидаги ўрни ва таъсири ҳақида алоҳида тўхтагани бежиз эмас. Хусусан, Юртбошимиз оила ҳақида қуйидаги фикрларни таъкидлайди: «Хаммамизга аёл бўлиши табиийлик, оила соғлом экан — жамият мустақам, жамият мустақам экан — мамлакат барқарордир».

Маълумки, жамият турли ёш ва касб-кордаги, ҳар хил қараш ва этиқоддаги одамлар уюшмасидан иборат. Ана шу одамларнинг барчаси юқорида зикр этилган ижтимоий институтлар тарбиясидан ўтади. Бинобарин, бугунги кун-

да инсоннинг қалби ва онгини эгаллашга уринаётган ёт, зарарли таъсирларга, экстремистик оқимларга қарши туришда ана шу ижтимоий тузилмаларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда инсон ҳаётига, унинг ҳис-туйғулари, маънавий олами, тушунча ва тасаввурларига таъсир этишнинг янги-янги маккорона усуллари ўйлаб топилмоқда. Баъзан оддий ва беозор туюладиган компьютер ўйинлари, қўл телефондаги клип ва лавҳалар, бадииятдан мутлақо йироқ музика шовқин-сурнолар, алмой-алжойи гап-сўзлар орқали халқимиз ҳаётида минг йиллар давомида шаклланган юксак кадрларни кўпоришига, ёшларнинг эндигина кучга тулиб келаётган руҳий дунёсини, ҳиссиётлар оламинини эгаллашга қаратилган уринишлар сезилиб қолади. Масалан, Россиянинг «Примьер» телеканали орқали намойиш этилган бир фильмда эрта-индини никоҳ тўйи бўладиган қизни отаси бошқа бир хотини йиғит билан учрашиб юргани учун жазоламоқчи бўлади. Шунда онаси ўртага тушиб: «Жоним, сен қўп ҳам безовта бўлаверма, яхшиси, у билан ўзим гаплашаман. Аёл зоти, ҳарқалай, бир-бирини яхши тушунади, шундай эмасми?» дейди. Эр рози бўлади. Онаси қизнинг хонасига кириб, унга насихат қилиш ўрнига ўзининг «ёшлик сарғузаштлари»ни айтиб, унинг кўнглини овутмоқчи бўлади: «Отангни қўявер. Тўғриси айтсам, мен ҳам тўйдан бир кун олдин туни кетворган бир йиғит билан ўтказганман. Тўйдан кейин ҳам кўнглим қурғур бошқаларни тусиб турардим! Ҳа, яшаш керак-да! Лекин гўл отанг бу гаплардан мутлақо беҳабар». Она билан бола мириқиб қулишади. Боя-

қиш ота кўрагини чангаллаб, нима қиларини билмайди. Мана бизга, сохта «оммавий маданият»нинг ҳақиқий башараси, «эркин ахлоқ» деб ата-тилган «маданият»нинг чиркин моҳияти!

Бошқа бир мисол. «Аргументы и факты» газетасининг шу йилги 19-сонига эълон қилинган хабарда жамоатчилик ўртасида машҳур икки ижодкор шахс — таниқли қўшиқчи шоир Илья Резник ва эстрада хонандаси Любовь Успенская ўртасида бўлиб ўтган даҳанаки жанг тафсилотлари хикоя қилинади. Албатта, ҳаёт бор жойда келишмовчилик бўлади. Табиийки, бундан но-зиктаб ижодкорлар ҳам муста-тасно эмас. Агар маънавиятга, ахлоққа боғлиқ нозик бир жиҳати бўлмас, бу можарога эътибор бериб ўтиришининг ҳожати ҳам йўқ эди. Гап шун-даки, жанжалга Илья Резник шеърлари билан айтадиган 18 та қўшиқ муаллифининг рух-сатисиз Л.Успенская томонида ўлаштириб олиганига сабаб бўлган. Россиянинг НТВ телеканал орқали бериладиган «Давайте, миритесь!» («Келинлар, ярашайлик») кўрсату-ви икки ижодкор ўртасида қозилиқ қилиш учун махсус телекўприк ташкил этади. Шунда Любовь Успенская осмондан келиб нима дейди деген? «Авал Резник менинг ...дан ўпин, ярашш ҳақида кейин гаплашамиз». Узингиз тасав-вур қилинг, миллионлаб теле-томашбинлар ўртасида (улар-нинг орасида ёшлар ҳам, кек-салар ҳам, аёллар ҳам, эркак-лар ҳам бор, албатта) ўзининг ахлоқсизлигини тарғиб этаёт-ган бу санъаткорнинг маъна-вияти гариб ва жирканч бўлса, қўшиқчилик истеъдоди сарик чагага арзийдими? Одамлар учун ибратли, уларнинг ички дунёси, диди ва туйғуларини тарбиялашга хизмат қиладиган кўрсатувлар ўрнига кўпчилик-

нинг эътиборини мана шундай бўлмағур, бепарда можароларга тортаётган телеканалнинг, бу жамоада хизмат қилаётган журналистларнинг жамият ол-дидаги масъулияти, фуқаролик позицияси қарерда қолди? Ана шундай «машҳур»лар ортидан бораётган ёки борадиган ёш «юлдузча»лар камми?!

Албатта, бунга шу каби ахборот воситаларининг раҳбарлари тушуниши ҳам хоҳла-майди. Чунки улар учун томо-шабинлар доирасининг кен-гайиб бориши ва шунинг ҳисо-бидан келадиган даромад му-ҳимроқ. Бошқа нарса уларни заррача қизиқтирмайди. Лекин ўзининг оиласи, фарзандларининг келажаги, уларнинг эр-танги маънавий қиёфасини ўйлаган минг-минглаб инсон-лар-чи? Улар нега бундай ҳолатларга бепарводирлар? Шу сингари ҳолатлар биргина миллатнинг ёки мамлакатнинг муаммоси, дейиш хато дидир. Чунки ахборот, адабиёт ва санъатнинг чегараси йўқ. Улардан «ясалган» қурол эса ҳар қандай кўнглини яраш-лага қодир.


Лоқайдлик бор экан, биз-нинг маънавиятимизга қарши таҳдидлар камайиш ўрнига кўпайиб бораверади. Прези-дентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридан айнан ана шундай хавфдан огоҳлан-тириб ёзган эди: «Азалдан маълумки, бепарво одам душ-мандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг қимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдин-дан маълум бўлади. Бирок ло-қайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирдангина билиб бўлмайди. Шунинг учун ичин-ғизда юриб, бизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият ярати беради».

Лоқайдлик ва бепарволик-дан халос бўлиш учун нима қилиш керак? Бунинг учун ин-сон ёшлигидан бошлаб ўз уни-тида ишлаши, ўзини ҳар кун,

ҳар соатда тарбиялаб бориши лозим. Мамлакатимизда нима учун болалар спорти ривож-ига, ҳар битта туманда замона-вий музика ва санъат мактаб-лари барпо этиш масаласига катта эътибор берилмапти. Чун-ки спорт ва санъат билан ошно бўлиб ўсган бола ҳеч қачон бепарво бўлмайди. Унинг ички олами, ҳиссиётлари доимо ян-гиликка интилади. Ҳар кунги, ҳар соатда ўз қалбида, ён-ат-рофидига воқеаларда, табиат ва жамиятда бир янгилик, бир мўъжиза кўради. Ўзи ҳам, қалби ва вужуди ҳам ана шу янгиликларга ҳамоҳанг тарзда ўзгариб боради.

«Юксак маънавият — энгил-мас куч» китобида «маънавий жасорат» тушунчаси ҳақида ат-рофича фикр юритилгани бе-жиз эмас. Чунки айнан маъна-вий жасорат инсонни лоқайд-лик, бепарволик кайфиятидан, ўзига, ўз қучига ишонсизлик ва қатъиятсизликдан халос этади. Умуман, огоҳлик ва маънавий жасорат ўзаро муш-тарак тушунчалар бўлиб, маъ-навий жасорат эгаси бўлган одам бепарво яшай олмагани-дек, қалби ҳамиса бедор, сер-гак ва огоҳ бўлган инсон ҳам ҳар лаҳзада маънавий жасо-рат кўрсатишга тайёр бўлади. Бу Президентимизнинг кито-бида биринчи бор чуқур асо-лаб берилган гоғ мумҳим фал-сафий қарашдир. Унинг маъ-нави мазмуни, аҳамиятини одам-лар, айниқса, ёшларнинг он-гига сингдириш, шу тарика бу-гунги кунда уларни ҳар томон-лама огоҳ ва маънавий жасо-рат эгалари қилиб тарбиялаш биз — маънавият соҳаси хо-димларининг муқаддас бурчи-миздир.

Ғофуржон ШОДИЕВ, Республика Маънавият тарғибот марказининг ҳуқуқий тарғибот бўлими муdiri



ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ ОАЖ

ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА

ОБУНА

БЎЛИНГ!


Телефон: (8 371) 233-08-34  
Сайт: www.pochta.uz. E-mail: oao@post.uz

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

## Дараклар

### «МАРКУЛЬ» АЭСИДА ПОРТЛАШ СОДИР БЎЛДИ

Франциянинг «Маркуль» атом электр станциясида портлаш содир бўлди. Бу ҳақда мамлакат атом энергетикаси комиссияси вакиллари берган маълумотларга асосланиб кўп ҳафталик хабар тарқатган.



Айни пайтда ҳалокат оқибатида бир кишининг нобуд бўлгани айтилмоқда. Шунингдек, портлашдан тўрт киши жабрланган, бир киши бедарак йўқолган.


«Agence France-Presse»нинг тарқатган хабарига қараганда, АЭСдаги портлаш душанба кунини маҳаллий вақт билан 11:45 да рўй берган. Воқеа жойи тезда ўраб олиниб, бу ерга полициячилар, ўт учирувчилар, шифокорлар ва мутахассислар етиб келган.

Айрим манбаларда қайд этилишича, портлаш натижасида АЭСда радиация тарқалиши хавфи туғилган. Бироқ мутахассислар бу ҳолат унчалик хавфли эмаслигини таъкидлашмоқда.

«Маркуль» атом электр станцияси 1956 йилда фойдаланишга топширилган. АЭС уран ёқилгиси билан ишлайдиган учта реакторга эга.

### СУГУРТА ТЎЛОВИ БЎЙИЧА РЕКОРД

Ер силкнишидан зарар кўрганда тўланадиган сугурта тўлови бу йил энг юқори даражага етди. Бу ҳақда сугурта бозорида кўзга кўринган компаниялардан бири — Швейцариянинг «Swiss Re»нинг матбуотга тарқатган хабарида маълум қилинди.



Маълумотда келтирилишича, жорий йилнинг биринчи ярмида сугурта идораларининг умумий зарари 70 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Шундан 67 миллиард доллар маблаг табиий офатлардан кўрилган зарарларни қоплашга сарфланган.

### ЮЗДАН ЗИЁД ОДАМ КЎРБОН БЎЛДИ

Кения пойтахти Найробидаги нефть қувурида кучли портлаш юз берди. «Capital News» маҳаллий радиостанцияси маълумотларига кўра, кутқарувчилар 102 кишининг жасадларини топишга муваффақ бўлган. «Камида 80 нафар жабрланганлар касалхоналарга ётқизилди», дея хабар тарқатди Associated Press ахборот агентлиги.




Нефть қувурининг портлаган қисми камбағаллар яшайдиган тигиз аҳоли пунктдан ўтгани учун ҳалок бўлганларнинг кўпчилигини маҳаллий одамлар ташкил этади. Нохуш воқеа юз берганида одамлар ўз уйларида бўлишган. Ўт учирувчилар оловнинг қўшни мавзёларга ҳам ўтиб кетишидан хавфсизраб, асосий эътиборни ёнғин учогини бартараф этишга қаратишди.

Кения телевиденияси мухбирининг қайд этишича, ҳалок бўлганлар сони 200 нафарга етиши мумкин. Чунки нефть қувури ўтган жойларда қутилмаган кучли портлашлар содир бўлиб турибди.

## 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни

# Она сайёра имунитети

Олам ва одам. Уларнинг ҳар иккиси нихоятда ўхшаш ва бир-бири билан узвий мувозанатда яратилган. Бирининг сийратидега зоҳир бўлган воқелик иккинчисидега ҳам, албатта, намоён бўлади. Шу боис, уларни бир-биридан айро тасаввур қилиш қийин. Она сайёрамизни ўраб турган ва айтиш мумкинки, инсоннинг имун тизимига қиёс этиладиган озон қатлами ҳақида мулоҳаза юритганда ҳам бунга такрор амин бўлиш мумкин. Зотан, озон қатламининг емирилиши биз яшаб турган олам, башариёт ҳалокати билан баробардир.



Маълумки, ер юзасидан 10 дан 50 километргача бўлган масофада жойлашган озон қатламининг қадри уч миллион тоннадан иборат бўлиб, у ҳавонинг миллиондан уч фоизини ташкил этади. Энг муҳими, озон қатлами кўшининг ультрабинафша нурларини ўртача 98 фоизгача ютиш салоҳиятига эга. Аммо таррақийёт шиддати ва одамзотнинг ўзига қулайлик яратиши натижасида озон қатламига жиддий шикаст етатганини ҳам ёддан фаромуш қилмаслигимиз керак.

Вулкон отилиши жараёнида таркибида олтингургурт бирикмалари бўлган газлар, совутич усуналари, ҳаво алмаштиригич қурилмалари, дезинфекция ва медицина жиҳозларини стериллашда ишлатиладиган аэрозоллар ҳамда бошқа кўплаб соҳаларда ишлатиладиган хлорфторуглерод ва бромхлоруглеродлар озон қатламини емирувчи моддалар сирасига қиради. Ҳарнинг бир атоми озоннинг юз минг молекуласига таъсир этиши мумкин. У ўзи ҳеч қандай ўзгаришга учрамаган ҳолда, озон молекулаларини бирма-бир парчалайди. Энг ёмонни, хлорфторуглеродлар атмосферада 75 йилдан 110 йилгача яшайди.

Шунингдек, бугунги кунда турли космик аппаратларнинг учирлиши жараёнида самога юзлаб тонна озонни емирувчи кимёвий моддалар тарқалмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, битта ракета парвози давомида ўн минг тоннага яқин озон емирилади.

Ҳозирда энг катта озон туйнуклари ер шарининг жанубий ва шимолий қутбларида пайдо бўлгани таассуф ва хавотир билан айтилмоқда. 1985 йили Антарктида, 1992 йили Арктикада озон туйнуги ҳосил бўлганлиги қайд этилди. Кўш ултрабинафшанурларининг ҳеч қандай тўсиқсиз ерга етиб келиши ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва «ёриш» музликларнинг эришига сабаб бўлмоқда. Албатта, бу ҳаммаси эмас. Шифокорларнинг фикрича, бир фоз озон йўқолганда ер юзидеги биргина катаракта хасталиги 150 минггача ортади, минглаб одамлар энг буюк неъмат — дунёни кўришга мусову бўладилар, тери раки 2,5 фозга кўпаяди, инсон имун тизими заифлашиши билан боғлиқ касалликлар сони ҳам ошади. Нурланган фақатгина одамлар эмас, балки бошқа жонотлар ҳам азият чекиши мукаррар. Баҳри муҳит юзасида яшайдиган планктонлар, майда қисқичбақалар, краблар, сув ўтларига бу ўзгариш, айниқса, ҳалокатли таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, иклимнинг ўзгариши, чўланиш, аҳоли ўртасида турли хасталикларнинг тарқалиши, глобал исийш жараёни содир бўлади.

## Дунё матбуоти саҳифаларида

(«AFP», Франция)

### АСТРОНАВТЛАР ЕРГА ҚАЙТМОҚДА

Россия Федерацияси Парвозлар бошқаруви маркази вакилининг маълумот беришича, Халқаро космик станциядан уч нафар астронавт ерга қайтади. Улардан икки нафари россиялик ва бир нафари НАСА астронавтидир.



Астронавтлар ерга қайтиши яна бир кундан сўнг «Союз ТМА-21» капсуласида амалга оширилади. «Союз ТМА-21» Қозғонистон Республикаси ҳудудига Гринвич вақти билан 00:38 да кўнади.

Шунингдек, «AFP»нинг ёзишича, Роскосмос томонидан 22 сентябрга мўлжалланган учинчи октябр ойининг охирига қолдирилган. Бунга эса 24 августда «Союз» ракетаси парвози билан боғлиқ ҳолат сабаб бўлган эди. Табиийки, сўнгги ўн йилликлардаги дастлабки ушбу нохуш воқеа Россия космик кемалари хавфсизлиги бора-бора муайян шубҳаларни туғдирди. Роскосмос вакиллари эса 24 августдаги муваффақиятсиз парвозни ракета двигателидаги тасодифий нуқсон билан изоҳлашди. Аммо мутасаддилар «Союз»нинг кейинги парвози санаси тўғрисида аниқ фикр билдиришмади ва қўшимча текширувлар учун кўпроқ вақт зарурлигини таъкидлашди, холос.

Дарвоқе, юқорида тилга олиб ўтилган астронавтларнинг қайтишидан сўнг Халқаро космик станцияда бор-йўғи уч нафар космонавт қолади ва ўз ишларини давом эттиришади.

Айтиш керакки, ҳозирги пайтда биргина Россия Халқаро космик станцияга астронавтларни олиб чиқиш салоҳиятига эга. АҚШнинг Шаттл дастури эса шу йилнинг июль ойида ниҳояланган. Шу боис, газетда ёзилишича, мабодо Роскосмос сўнгги икки ой ичида янги астронавтларни космик станцияга олиб чиқмаса, охириги ўн йиллик ичида космик станция одамларсиз қолиши мумкин.

(«New York Post», АҚШ)

### МИЛЛИОНЕРНИНГ БОЛАСИ 107 МИЛЛИОН ЮТДИ

Сарлаҳгани ўқиб, ҳаёлингизга «Ой тугса ҳам бойга, кун тугса ҳам бойга» деган нақл келган бўлса ажабмас. Хуллас, АҚШнинг «New York Post» газетасининг ёзишича, «Marriott» меҳмонхоналар тармоғи президентининг ўғли, 25 ёшли Брайн Маккарти лотереядан оз эмас, кўп эмас, нақд 107 миллион доллар ютиб олди.



Брайн Херндон шахридаги озик-овқат дўконидан бор-йўғи биттагина лотерея чиптасини сотиб олганди. Омадни қарангки, «Mega Millions»-дан катта ютук чиқиб турибди. Ютук эгаси энди унинг маълум қисмини BMW M3 машинасини сотиб олиш ва Ирландияга саёҳат қилиш учун сарфлаш ниятида. Дарвоқе, Брайннинг отаси Роберт Маккартининг йиллик машии миллион доллардан ошади. Газетда ёзилишича, жорий йилнинг март ойида «Mega Millions» лотереясида энг катта ютук ўз эгасини тоғанди. Ушунда омадли чипта соҳиби 319 миллион АҚШ долларига эга бўлган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ЭЪЛОН!
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви
нинг 2011 йил 6 августдаги 23-А/8 сонли қарорига асосан
«PORLOQ KREDIT» кредит уюмасининг 2009 йил 18
апрелдаги 88-сонли лицензияси амал қилиш тугатилгани
ни муносабати билан 2011 йил 5 сентябрдаги кредит уюшма
авзолари умумий йиғилиши қарорига асосан «PORLOQ
KREDIT» кредит уюмасининг фаолияти тугатилганлиги
маълум қилади.
Ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат
ичида «PORLOQ KREDIT» кредит уюмаси фаолияти
билан боғлиқ бўлган давво ва эътирозлар Тошкент вилояти,
Заңгиота тумани, «Хонобод» ҚФЙ, Фурқат кўчаси,
1-А» манзили бўйича қабул қилинади.
«PORLOQ KREDIT»
кредит уюмаси тугатиш комиссияси

## Ҳуқуқ

### Янги ҳуқуқий нормалар

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиши корхона ва муассасалар ўртасидаги ўзаро мулкий, молиявий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни таъғозо қилди. Ана шу мақсадда 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси қабул қилинди. Вақт ўтиши билан мажбур кодекс нормаларини янгилаш зарурати туғилди.

Жорий йилнинг 21 апрелида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Хўжалик процессуал кодексининг 24-, 36-, 55-, 103-моддаларига ўзгаришлар киритилди. Маълумки, хўжалик судида кўриладиган ишларга нафақат давво қаратилган ташкилот ёки фуқаролар, балки ариза талаби қаратилган ташкилот ва фуқаролар ҳам жавобгар. Шу сабабли ХПКнинг 36-моддаси учинчи қисмидаги «фақат давво талаби қаратилган ташкилот ва фуқаролар жавобгардирлар» жумласидаги «давво» сўзидан кейин «ёки ариза» деган сўзлар билан тўлдирилди. Хўжалик судларида фуқаролик, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар билан бирга, ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар ҳам кўрилади. ХПКнинг 55-моддасида ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги қайд этилган эди. Шунингдек, давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар кўриладиган ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилиши назарда тутилган.

Тилган ҳолда, ташкилотлар ва фуқароларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда бунга асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти назорат қилувчи орган зиммасига юклатилиши эътиборга олинмаганди. Шу боис кодекснинг 55-моддасига ўзгариш киритилаётганда ушбу ҳолатга алоҳида аҳамият берилди.

Хўжалик процессуал кодексида киритилган бундай ўзгаришлар келгусида, албатта, хўжалик судларидаги низоларнинг тез ҳал бўлишига хизмат қилади. Тўра АЛИМАРДОНОВ, Республика Олий ҳўжалик суди судьяси

### Мажбурият Ва унинг тарафлари

Инсон табиатида хос жиҳатлардан бири зиммасидеги масъулиятни бажаришдан иборат. Аммо беш қўл баробар бўлмагани каби ҳамма ҳам бунга бирдек эътибор қилмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан ўзаро муносабатлар жараёнида мувозанатни тартибга солиш, аниқроғи, масъулият ҳиссини шакллантириш мақсадида қонунларимизда «мажбурият» тўғрисида белгилаб қўйилган.

Ф уқаролик кодексининг 234-моддасида «мажбурият» тўғрисидаги ва унинг вужудга келиш асослари қайд этилган. Ушбу моддага кўра, мажбурият фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳара-

катна асослардан келиб чиқарилади. Мажбуриятнинг 235-моддасида мажбуриятнинг тарафлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Шунга мувофиқ мажбуриятнинг тарафлари — кредитор ёки қарздор сифатида бир ёки бир пайтнинг ўзида бир неча шахс иштирок этиши мумкин. Мажбуриятда қарздор томонидан иштирок этган шахслардан бирига кредитор ҳақиқий эмаслиги, шунингдек, бундай шахсга талаб қўйишга доир давво муддати ўтиб кетганлиги кредиторнинг қолган шахслардан бўлган талабларига ўзича даҳл этмайди. Агар тарафлар шартномага би-


## Асрлар махзани битилган қоғоз

Ҳар бир даврнинг ўз яратиб, жаҳоншумул кашфиётлари бўлади. Бундан ўн тўрт аср муқаддам бутун дунёда Самарқанд қоғозидан бебаҳороқ нарсани топиш қийин эди. Алгебра фани асосчиларидан бири ал Хоразмий ҳам бир дўстига ёзган мактубида Самарқанд қоғозининг ниҳоятда қимматлигини таъкидлаб ўтади. Дарҳақиқат, аждодларимизнинг абадиятга дахлдор фалсафий ўйлари-ю изланишларини ўзига муҳрлаган Самарқанд қоғози ўша давр мўъжизаси, ўз замонасининг энг ноёб топилдиқларидан бири эди.

Адимги Хитой солномаларида ёзилишича, қоғоз эрамининг 100-йилларида хитойлик Чай Лун томонидан кашф этилган. Хунармандлар уни аввалга ипак, пахта, кейинчалик каноп ва зигир толаларидан, ёғоч пўстлоғи ҳамда турли латта-лутталардан тайёрлашган. VII аср ўрталаридан бошлаб, икки дарё оралиғида — Самарқанд шаҳрида қоғоз ишлаб чиқариш ниҳоятда раванк тоғди. Бу ерда тайёрланган қоғознинг пиш-пукталиги, бежиримлиги ва нозик сифати боис уни тайёрлайдиган усталарнинг шухрати дунёга таралди. Бу ноёб буюм инсониятнинг яқин ҳамроҳи, олиму фузалоларнинг, адибу шоирларнинг сирдош дўстига айланди. Ўсимлик толаси ҳамда матодан тайёрланган мазкур қоғозлар ишлов берилган мол териси — пергамент, папирус, ёғоч тахтача сингари ёзув воситаларини секин-аста истеъмолдан сиқиб чиқарди. VIII аср ва IX асрнинг биринчи ярмига келиб Самарқанд қоғози ишлаб чиқариш марказига айланди. Аммо ўлкада кечган тинимсиз жангу жадаллар хунармандларнинг ҳам тинкисини курипти. Улар нисбатан тинчроқ саналган Боғдод, Қоҳира, Дамашқ каби шаҳарларга бош олиб кетишди. Оқибатда айнан юқорида номлари зикр этилган шаҳарлар ҳам қоғоз ишлаб чиқариш марказлари сифатида тилга олина бошланди. Асл

Самарқанд қоғозининг нархи эса бир неча бор қимматлашиб кетди. XII асрнинг ўрталарида Самарқанд қоғозининг доғруғи Буюк ипак йўли орқали Фарб давлатларига етиб борди, Европада ҳам мисли кўрилмаган даражада шухрат қозонди. Дастлаб Испания ва Италияда, сал ўтиб бошқа давлатларда самарқандлик хунармандлар кўмағида қоғоз ишлаб чиқарувчи фабрикалар ташкил этилди. Аммо сифати барибир хаминқадар эди.

Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида "Дунёдаги энг яхши ва нозик сифати боис уни тайёрлайдиган усталарнинг шухрати дунёга таралди. Бу ноёб буюм инсониятнинг яқин ҳамроҳи, олиму фузалоларнинг, адибу шоирларнинг сирдош дўстига айланди. Ўсимлик толаси ҳамда матодан тайёрланган мазкур қоғозлар ишлов берилган мол териси — пергамент, папирус, ёғоч тахтача сингари ёзув воситаларини секин-аста истеъмолдан сиқиб чиқарди. VIII аср ва IX асрнинг биринчи ярмига келиб Самарқанд қоғози ишлаб чиқариш марказига айланди. Аммо ўлкада кечган тинимсиз жангу жадаллар хунармандларнинг ҳам тинкисини курипти. Улар нисбатан тинчроқ саналган Боғдод, Қоҳира, Дамашқ каби шаҳарларга бош олиб кетишди. Оқибатда айнан юқорида номлари зикр этилган шаҳарлар ҳам қоғоз ишлаб чиқариш марказлари сифатида тилга олина бошланди. Асл



нишидаги сув белгиларига ҳам эга бўлган. Уни XVI асрда самарқандлик машҳур уста Мир Иброҳим тайёрлаган. Тарихчилар XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача Россия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинган моллар орасида қоғоз, айниқса, кадрли ҳамда қимматли бўлганини таъкидлашади.

Самарқанд қоғозининг аҳамияти ва бебаҳолиги ҳақида гап кетганда, бир нарса эслатиб ўтиш жоиз. Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бобур каби буюк бобо-ларимизнинг ўлмас асарлари айнан шу қоғозларнинг сифати туфайли асрлардан сакраб ўта олди. Не ажабки, айнан

шу бебаҳо восита боис дунёнинг тараққиёт бешигини тебратган алломаларнинг уйғоқ битиклари, қимматли ўйитлари, аждодларга айтмоқчи бўлган гаплари бугунги дорил-амон кунларимизгача етиб келди.

XVIII аср ва XIX асрлардаги узлуксиз босқинлар, ҳарбий ҳаракатлар Самарқанд қоғози шухратини батамом сўндирди. Шу тариқа Самарқанд қоғозининг сири буткул йўқолди. Руслар босқини ва ўн йиллаб давом этган маҳорабалар тарих китобига Самарқанд қоғозининг таназзули билан қўшиб битилди. Унутилган бебаҳо маданий ёдгорликнинг қайта кашф этилиши учун яна юз йиллар сарф этилди. Ва ниҳоят...

Тақдирнинг саховатини қаранг-ки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзиб кетганидек, Сиёб ариғи бўйидаги Кониғил қишлоғидаги уста хунармандлар оиласи қоғоз ясаш сирларини топишга, Самарқанд қоғозининг эски шон-шухратини тиклашга мушарраф бўлди.

— Даставвал кекса кишилардан сўраб-суриштириб, эски битикларни мутлоаб қилиб, иш бошлагандик, — дейди хунарманд Санжар Мухторов. — Кўп ўтмай тўғри йўлдан кетаётганимизни ту-

шундик. Айни пайтда қоғозни тут пўстлоғидан тайёрла-ямиз. Ивитиблик, ажратиб олинган пўстлоқ чархпалак ёрдамида яхшилаб ёйилади. Кейин 7-8 соат қайнатилади. Сўнг аралашмадан бўтқа ажратиб олинади. Шу тариқа тозалаш, майдалаш, қайнатиш каби 14 босқичдан ўтгандан сўнг қоғоз тайёр холга келади. Айни пайтда устaxonада 20 киши иш билан банд. Гарчи унумдорлик иш усули қўл меҳнатига асослангани туфайли паст бўлса-да, даромаднинг чўғи баланд. Чунки қайта тикланган қоғоздан турли буюмлар ясаш ва тиқишни йўлга қўйганмиз. Жумладан, кўчирма, маскалар ясалаяпти, ҳамён, қалпоқ, сўзана, кўйлақлар тикиляпти. Улар ўзининг силлиқлиги, осонликча йиртилмаслиги, ювганда ранги ўчмаслиги ва ҳар хил ҳашаротлар "ҳужум"га бардошли экани боис, нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларни ҳам қизиқтириб қўйди. Ҳар сафар улар бу ерга келишганда ариққа ўрнатилган чархпалакка, ажратиб олинган новдани эзувчи жувозга ва ранго-ранг Самарқанд қоғозларига ҳайрат кўзлари билан боқишади. Қоғоздан кўйлак тикаётганимизни кўриб, ҳайратларига яна ҳайрат қўйилади.

Дарҳақиқат, уста хунарманд лутф этганидек, Самарқанд қоғозининг доғруғи етти иқлимга кетган. Бугун қайта тикланиб, ўзининг иккинчи умрини бошлаган Самарқанд қоғози азалий ва абадий вазифасини бажаришда давом этмоқда. Модомики, китоб барча даврларда ҳам одамларнинг беғараз дўсти, сирдош ўртоғи, доноликда тенги йўқ ошноси бўлиб қолаверар экан, бу қоғозларга битилган бугунги кунимиз ҳақиқатлари келажак авлодларга эсон-омон етажак.

Иномжон АБДИЕВ,  
"Hurriyat" мухбири



Мен Матназар Абдулҳаким билан қаерда қачон танишганимни эслаб олмайман. Бу шоир бир, икки, уч ва ҳоказо шеърлари ҳамда адабий-илмий мақолалари орқали менинг юрагимга, онгимга, руҳиятимга секин-аста сингиб бораверган.

## Теран ижод

Мен унинг ёзганларини ахтариб топиб ўқийдиган ихломманд китобхонга айландим. Ва шунда яна бир қарра халқимиз, маънавий олами ҳеч туганмас қон, сира қуримас дарё эканига амин бўлдим. Матназар билан кўришгач, кейинги кўп суҳбатлар давомида унинг чиндан ҳам донишманд, ўта ҳалол, тўғри сўз, бағри кенг ва айни чоғда, ниҳоятда нозик фикрлайдиган инсон эканини билдим.

Бизнинг ўртамизда кўзга ташланиб турмасе-да, дўстлик, ажиб бир фикрдошлик ришталари пайдо бўлди. Албатта, худди шундоқ таассуротларни мен хоразмлик кўпгина ижодкорларимиз шаънига ҳам айтишим мумкин. Бироқ ҳар бирининг ўз мақоми бор. Аслида улар ниҳоятда теран томирлардан куч олиб келаятган азамат дарахтнинг ҳамиша яшил бутуқларидир.

Хоразмда китобхонлар билан бир учрашувда Матназар Абдулҳаким ҳам шеърларидан ўқиди. Ундан яна шеър ўқишни сўрадик. Чунки бу шеърлар ҳақиқатан ҳам илоҳий китобимиз Қуръонда талаб қилингандек "ҳикмат" эди. Мен шунда давра аҳлига қараб: "Биродарлар, биз Беруний ҳазратлари таваллуд топган заминда турибмиз. Аллома даҳосининг қудратидан ҳаммаимиз ҳам баҳоли қудрат хабардоримиз. Бироқ мен шу дақиқаларда бир фикрни ўйлаб қолдим. Шақлу шамойилда ҳам, фикр-фалсафада ҳам айнан шу ёшда, балки, Абу Райҳон ҳам Матназар каби бўлгандир", дегандим. Бу ўхшатишдан ҳамма юртдошлар ифтихор қилишди, холос.

Орадан йиллар ўтиб Матназар Абдулҳаким муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Маъмур Академиясида илмий ходим сифатида иш бошлади. Маънавиятимиз тарихига аталган қатор мақола-тадқиқотлар ёзди. Айтиш мумкинки, уларнинг даражасига манаман деган...шуносларнинг нафаси етмас эди. Матназар Абдулҳакимнинг сайланма шеърлар китобини ўқиб чиққач, унинг поэзияси ҳақида нимадир ёзгим келди. Бироқ кўз олдимда Матназарнинг донишманд нигоҳи турар, нимаики ёзсанг ҳам унга муносиб бўлмоғи шартдек кўринар эди. Водариг, беаҳал ажал режаларимизни писанд қилмас экан. Айни қамолга етиб турган бир пайтда Матназар орамиздан кетди. Дийдорку, қиёматга қолгандир, бироқ унинг ижоди ҳақида ёзиш ҳамон сизу биз тирикларнинг бўйнимизда турибди. Ўзбекининг "ўлдинг азиз бўлдин" деган қадимги бир гапи бўлган. Тўғри, марҳумларнинг яхши сифатларини, фазилатларини унутмай юриш беҳад савобдир, қолганларга ибратдир. Тавба қилдим-у, лекин ҳаммининг ҳар хил эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозимдир. Матназар Абдулҳаким бутун вужуди, борлиги, истеъдод ганжига тўлиқ инсон эди. Бу маънавий бойлик эса сира завол топмагмай.

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

## Адлия почтасидан

### Автотранспорт воситаларининг ижара шартномаси

У қандай имзоланади?

Автотранспорт воситалари билан боғлиқ олд-сотди, айирбошлаш, ҳада қилиш, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини расмийлаштириш Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 36-сонли қарори билан тасдиқланган "Автотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади. Бундай шартномалар фақат қатъий ҳисобда турадиган, химоя даражасига, серия ва тартиб рақамларига ҳамда худудий кодга эга бўлган, "Давлат белгиси" ДИЧБда тайёрланган гербли (маҳсус) бланкларда нотариал тартибда тасдиқланади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди (лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автотранспорт воситалари бундан мустасно). Шунингдек, нотариуслар томонидан автотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш автотранспорт воситасини бошқа шахсга ўтказиш тақиқлангани ва хатлангани текширилгандан кейин амалга оширилади (тасарруф этиш ҳуқуқисиз ишончномалар бундан мустасно). Таъкиқ ва хатловнинг йўқлиги ҳақида маълумот беш кун мuddатгача амал қилади.

Автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ижарага бериш тўғрисидаги битимларни тасдиқлашда фуқаролардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

— мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— автотранспорт воситаси эр ёки хотиннинг умумий биргаликдаги мулки бўлган ҳолларда эрнинг ёки хотиннинг транспорт воситасини ижарага беришга розилик аризаси;

— давлат божи (таъриф бўйича ҳақ) тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома.

Агар мерос икки ёки ундан ортиқ меросхўрга берилган бўлса, автотранспорт воситасини ижарага бериш тўғрисидаги битимни тасдиқлашда барча меросхўрлар иштирок этиб, шартномани имзолайди.

Автотранспорт воситасини ижарага бериш тўғрисидаги шартномани тасдиқлашда фуқаро эри ёки хотини йўқлиги (бева ёки бўйдоқ экани) ҳақида ёзма ариза тақдим этганида нотариал битимнинг иккинчи тарафи бундан хабардор қилинади. У эса бу ҳол ўзига маълум эканини тасдиқлаб, аризага фамилияси, исми ва отасининг исмини тўлиқ ёзиб, имзо қўяди. Ушбу ҳолатни аниқлаш учун нотариусга фуқаронинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлари, никоҳдан ажралгани ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва никоҳ тузилгани ҳақидаги гувоҳнома ёхуд булар ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар асос бўлади. Эр (хотин)ни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисида суд ҳужжати мавжуд бўлган ҳолларда нотариус автотранспорт воситасини ижарага бериш тўғрисидаги битимни тасдиқлаши мумкин. Бу ҳолда нотариус Фуқаролик кодексининг 35-моддаси мазмунини битим матнида кўрсатиб ўтиши ва тарафларга тушунтириши лозим.

И.НУРИДДИНОВ,  
Жиззах туманидаги 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

### Машинамни дўстимга бермоқчиман...

Мен автомашинамни бошқариш учун дўстимга ишончнома бермоқчиман. Уни қандай расмийлаштирсам бўлади?

М.Қаҳқоров  
Бухоро вилояти



Ишончнома — фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар соҳасида кенг қўламда қўлланиладиган юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Автотранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ўз юридик аҳамиятига кўра алоҳида ўрин эгаллайди ва шу муносабат билан ушбу турдаги ишончномалар нотариал тартибда тасдиқланиши шарт (юридик шахслар томонидан мазкур юридик шахсларнинг ходимларига бериладиган ишончномалар бундан мустасно бўлиб, улар нотариал тартибда тасдиқланмайди).

Мамлакатимиз ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автотранспорт воситаларига ишончномалар расмийлаштириш улар боғична органларида расмийлаштирилганидан ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДИХХХ) органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Шу ўринда савол туғилади: ишончномалар барчага ҳам расмийлаштирилиши мумкинми? Албатта, йўқ. Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш

мақсадида 18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари ишончномалари расмийлаштирилмайди.

Яқин қариндошларга (ота-она, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянлар) автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишончномаларни нотариал тасдиқлаш чоғида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари, бошқа шахсларга эса энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, тасарруф қилиш билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришда ўн баравари миқдорда давлат божи ундирилади. Яқин қариндошлар ўртасида бу турдаги ишончномаларни расмийлаштиришда қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжат-

лар (туғилганлик гувоҳномаси, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома кабилар) нотариусга тақдим этилади.

Айрим фуқаролар автотранспорт воситасини сотиб олган бўлса-да, уни тегишли тартибда ўз номига расмийлаштириш билан ишончнома тартибидан ундан фойдаланиб юришди. Аммо вақт ўтиши билан транспорт воситаси эгасининг ўз фикрини ўзгартириши ёки унинг вафот этиши кейинчалик турли муаммоларни келтириб чиқаради. Бунга ҳаётий мисоллар етарли. Демак, ҳар бир нотариал ҳаракат унинг иштирокчилари бўлган шахслардан катта масъулият ва ҳуқуқий маданиятни талаб қилади.

Лола ЖУМАЕВА,  
Когон шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

## Тадбиркорлик

### Юксак эътибор самараси

сан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш янада қисқартирилиб, улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизими такомиллаштирилди. Давлат ва назорат органларининг қорхоналар молия-ҳўжалик фаолиятига аралашуви тубдан қисқартирилди. Мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлиги кучайтирилди.

Президентимизнинг жорий йил 24 августда эълон қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам соҳага бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди. Ушбу фармон, ҳеч шубҳасиз, юртимизда иш-

билармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва тадбиркорлик йўлидаги тўсиқ ва говларни баргараф этиш, соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини янада ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Зиммамизга катта ва шарафли вазифаларни юклаган мазкур фармон аҳамиятини тадбиркорларга атрофича тушунтириб бораётибди. Кўргазмали семинарларда беқийс гамхўрлик самараси иштирокчиларга ҳаётий мисоллар ва аниқ фактлар асосида етказилмоқда. Ўз навбатида, уларга керакли тавсиялар, маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар бериб бориляпти, амалий ёрдам кўрсатиляпти.

Зафар ВАҲАПОВ,  
Чилонзор тумани ДСИ бўлим бошлиғи

# МАЪНАВИЯТ

Ифтихор

Дил сўзи

## Диёр иси, юрт тупроғи

Юртимизда мустақиллик шабадаси эса бошлагач, хорижда яшаётган ўзбеклар учун ҳам ота заминни зиёрат этиш имконияти туғилди. Боболарим яшаган тупроққа — она Ватанимга илк бор қадам қўйганимда кўз ёшларимни тиймаганман. Уша дамда кўнглимдан кечган ҳисларни, дилмни чулғаб олган туйғуларни сўз билан ифодалаб бера олмайман.



...Хосият момо деган қўшимиз бўларди. Ўзбекистон ҳақида, ўзи туғилган қишлоқ ҳақида кўп гапирарди. Бир неча йиллар юртимизда яшаб, Хитойга қайта борганимда Хосият момо кийимларимни ҳидлаб: «Ўзбек диёримизнинг иси келяпти», деб кўзига ёш олди. Сўнг эса:

- Менга кўрган-билганларинг ҳақида гапириб бер? — деди ялиниб.
- Нимани гапириб берай? — сўрадим ундан. Боиси Ўзбекистон ҳақида таассуротларим шунчалик кўп эдики, қай бирини гапиришни билмасдим.
- Менинг қишлоғимга ҳам бордингми, болам?
- Ҳа, бордим, ҳатто ширин-шакар меваларидан ҳам татиб кўрдим.

— Тупроғидан-чи, тупроғидан олиб келдингми?!  
— Олиб келдим.  
Кампир юрт тупроғини кўзларига суртди. Кейин уни даструмолига ўраб, белига бойлаб олди.  
Хосият момони йўқлаб яна борганимда:  
— Менинг бардам бўлиб юрганимни сабабини биласанми? — деб сўраб қолди.  
— Сабаби нима экан?  
— Белимга қувват, дилмига мадор юртимнинг тупроғи бўлади.

Хосият момо юз ёшга кирди. Уни қабрга қўйганларида ана шу бир сижим тупроқни ўзи билан бирга кўмишларини васият қилди...  
Ватан қадрини юртдан йироқларда яшаб, мусофирлик жафосини тортганлар кўпроқ биладилар. Бу фикрни Бобур, Фурқат каби боболаримизнинг қисмати ҳам тасдиқлайди. Улар туғилган юртдан олисда Ватанни кумсаб ўтганлар. Макон туйғуси

ҳатто жониворларга ҳам бегона эмас. Навоий бобомиз бунчи бениҳоя таъсирчан ифодалаган:  
«Не наво соз айлағай, булбул гулистондан жудо».  
Шундай экан, яралмишларнинг энг афзали бўлган инсон қандай қилиб ўз Ватанини севмаслиги, уни эъзозлашмаслиги мумкин, ахир?!  
Шулар ҳақида ўйлар эканман, юртга меҳр туйғусидан

бебахра кишиларнинг баъзан осойишталигимизни кўра олмаётганларидан изтиробга тушаман. Қай инсоннинг дилида меҳр бор экан, қалб кўзи очик экан, у Ватан қадрини чуқур ҳис этади. Киндик қони тўкилган тупроқни ардоқлайди. Мен шу пайтгача кўп юртларни кездим. Воқияларни, денгизу тоғларни кўрдим. Лекин Ўзбекистондай жаннатмонанд юртни бошқа ҳеч қаерда учратмадим.  
Халқимизда: «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас» деган нақл бор. Бу иборанинг асл маъносини таҳлил қилиб кўрсак, Ватани ва халқи қадрига чин дилдан етдиган мўмин инсон сиймосини кўз олдимизга келтирамиз. Мусофирчилик заҳматларини бошдан кечирган инсон сифатида умримнинг ўша лаҳзалари катта ҳаётий сабоқ берганини унутолмайман.  
Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президент Ислоҳ Каримов раҳбарлигида маънавиятга, маърифатга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, маънавий бутунлик, жамият аъзолари ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамлиги, эртанги кунга ишонч — тараққиётнинг муҳим омилларидир.

Абдуғани СУЛАЙМОН

Биз Аллоҳнинг назари тушган ўлка, жаннатмакон Ўзбекистонда яшаймиз. Мана, 20 йилдирки, ўзимизни, ўзлгимизни таниб, хурлик нима, ўзгаларга тобе бўлмай яшаш нима, ҳақиқий бахт нима билиб, англаб умр гузароник қиламиз. Бугун шаҳар ва қишлоқларимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётганини кўриб кўз қувнайди, дил яйрайди.

## Бетакрор туйғу

Истиклол туфайли миллий мафкурамиз тикланиб, ўзлгимизни англадик. Диний эркинлик берилди. Масжидларда азон овози эшитила бошлади. Ўзимизнинг Конституциямизга эга бўлдик. Биз учун дунё эшиклари очилди, ер юзининг ҳар нуқтасида яшовчи давлатлар, халқлар бизни таниди, тан олди. Бундай бахтга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бундай тинч, осуда, бунёдкорона ҳаётга муҳтарам Юртбошимизнинг сазой-харакатлари, қатъияти сабаб эришилди, албатта. Бугун бахтимиз бутун, дастурхонимиз тўкин, юртимиз тинч. Халқимиз юксак тараққиёт сари дидил одимламоқда. Ана шундай заминнинг фарзанди, шундай даврнинг одами бўлганимдан қувонаман.  
Байрам кунлари шаҳримиз кўчаларини айлашиб юриб дилни яйратувчи бир воқеанинг устидан чиқдим. Амир Темур хиёбонидан бир гуруҳ хорижлик сийҳлар ҳар бир жойни эътибордан четда қолдирмай суратга олишарди. Ҳаммасининг юзиде табассум. Хуш кайфиятда бир-бирларига нималардир дейишарди. Хорижликларнинг тилига тушунмасам-да, завқлиниб қараб туравердим. Негаки, уларнинг юз-кўзларидан бекиёс ҳайрат, ҳаяжон сезилиб турарди. Шунда улардан бири ёнимга келиб: «Ўзбек?» — дея сўради. Мен «Yes, yes, ўзбек!», — деб жавоб бердим. У бош бармоғи билан, «зўр» ишорасини кўрсатиб, яна нималарнидир жўшиб-жўшиб гапирди. Биз тилларимизга тушунмадик, аммо дилларимиз бир-бирини тушуниди. Ана шунда, билсангиз, қалбимда энг бетакрор туйғу — ифтихор ҳисси жўшурди. Шундай диёрда яшаётганимнинг, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг фарзанди бўлганим учун фахрландим. Кўнглимдан: «Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи ҳаммамизга қутлуг бўлсин. Омонликда, яхши кунларда кўришиб юраверайлик», деган тилаклар, самимий дил сўзлари кечди.

Гулнора НУРМУҲАММЕДОВА

Ўз-ўзини англаш

Инсон мунтазам равишда ўз-ўзини тарбиялаб бориши учун ютуқ ва камчиликларини бошқаларга ўхшамасган жиҳатларини ўз вақтида англаб етгани маъқул. Шундай қилса, фазилатига фазилат қўшилиб, нуқсонлари барҳам топади.

## Дунёдаги энг қийин иш

Хар қандай соғлом одам гўдаклик пайтиданоқ онги шаклланиб, ўзлгини англай бошлайди ва бутун ҳаёти давомида ўзини кашф эта боради. Аммо ҳамма баравар эмас. Биров иқтидорига қараб ўзи ҳақида кўп нарсаларни билиб олса, бошқаси нуноқлик қилиб, вақтни бой беради. Натижанда вақтида ўзлаштирилмаган билим инсон воёга етганидан сўнг унга панд бера бошлайди. Сабаби у ўз-ўзини англаш йўлида қатъий мақсад билан мунтазам шуғулланмаган. Ўзининг сифат ва ожизликларини билмаган одам эса ношуддир.  
Машҳур файласуф Сукрот «Дунёда энг қийин иш — ўз-ўзини англашдир» деган экан. Қолаверса, «Сен ички оламинга назар ташлаб, ўзингни билишга бир ҳаракат қилиб кўр-чи, ўшанда билишнинг ҳамма нарсадан қийин эканини тушуниб етасан» деган фикр бежиз айтилмаган. Бироқ шунга қарамай, ўзини билган одам нима фойда ва нима зарар эканини, нима қўлидан келишини ва ниманинг урдасидан чиқа олмаслигини яхши англайди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўз-ўзини тарбиялаш инсоннинг ахлоқий бурчидир. Баркамоллик бўлмаган жойда маданият йўқ, маданият бўлмаган жойда эса ўз-ўзини англашнинг имкони йўқ.



Хўш, англаш ва англамаслик дегани нима ўзи? Англамаслик инкор этишнинг иродавий йўналиши бўлиб, англашни бостириш ёки бузишдир. Англаш шахс томонидан ички ва ташқи мавжудликни билиш жараёни ҳисобланади. Инсон қайсарлик қилибми, эътиборсизлигиданми, англашни инкор этганида мавжудликдан бегоналашиш усулларидан бирини танлайди. Булар мол-дунё орттириш, нимагадир эришиш истаги, жинсий мулоқот, иш-мансаб ва бошқа маънавий дастақлардир.  
Демак, ўзлгини англамаган инсон ўзига ўзи келтираётган зиён-заҳматни, хатоларини кўришдан қочади. Биз ўз ҳаёларимизни яхши кўрганимиз боис ҳам, ўзимиз ҳақимиздаги ҳар қандай ҳақиқатни тан олгимиз келмайди. Бу инсон табиятининг унчалик камол топмаганидан, чорасизлигидан далолат. Шундай кезларда икки йўл орасида турган, ўзига нисбатан ишончи суст йигит-қизларга далда берадиган устоз ёки мураббийнинг кўмаги зарур бўлади.  
Башариёт таълимга, ўз-ўзини тарбиялашга ва номукаммалигини англашга ёрдам берувчи билим — маърифатга ҳамisha муҳтож бўлиб яшайди. Энг муҳими, ўзлгимизни англаш орқали ўз ҳаёт фаолиятимизни тўри ташкил этишга ўрганимиз. Аслини олганда, инсоннинг асл мақсади ҳақида фикрлашнинг ўзи унинг тўри йўлда турганидан далолат. Йўлининг эса, албатта, ниҳояси бор. Шундай эмасми?!

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ, ЎзДЖТУ талабаси



«Менинг Доғистоним»

«Менинг Доғистоним» китобида кўпгина қийин иш — ўз-ўзини англашнинг имкони йўқ. Шундан сўнг бу тўфон Германияга кўчди, Берлинда бошланган ёнгин Гамбург шаҳрини ҳам чулғаб олди. Шу кезларда исёнчиларга ҳатто полиция бас кела олмади...  
Албатта, бу инсоният дўпини олиб қўйиб, жиддий ўйлаб кўрса арзийдиган ҳодисалар.  
Дунё чайқалиб турган мана шундай вазиятда «Менинг Доғистоним»нинг тилимизда ёруғлик кўриши кўнглимга қувонч бағишлайди. Чунки бу китоб мана шу вайронкорлик

Китобхонлик

## Ватанга муҳаббат

Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» китобини ўқиб...

Яқинда америкалик олимлар ёшларнинг киндик қони томага, она Ватанга, она халққа ва унинг тарихига меҳр-муҳаббатни улуглайди. Унда иймон-этиқод, миллий урф-одатлар ва ёқимли хулқ билан хулқлашаётган инсоний фазилат сифатида талқин этилади. Шоир тоғлиқлар жанг қилаётганда оналар бошидаги рўмолли олиб, ўртага ташласа, уруш тўхтади, деб ёзади. Қани, ўзингиз айтинг, оналарни ва миллий таомилни бундан ортиқ улуглаш мумкинми?!

«Доғистоним — менинг беғимим, — деб ёзади Расул Ҳамзатов. — Мен шу заминда туғилдим, шу заминда она тилимдаги аллани эшитдим, кейин шу тилда сўзлашганим ўргандим ва шу тил томир-томиримга саниб кетди. Шу заминда она тилимдаги қўшиқларга қулоқ тугтдим ва ўзим ҳам биринчи бор она тилимда қўшиқ қуйладим. Шу заминда биринчи бор сув ва нон таъминини тўйдим...»

Китобни ўқиган одам, у етти яшарми, етмиш яшарми, қатъий назар, тушунади. Тили содда ва раво, китобни ўқир экансиз, худдики дунё кўрган ва узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтган тоғлик бир закий сизга юрак очиб, кўрган-билганга хулоса ясаётгандек тасаввур уйғотади сизда. Асар бир-бирини бойитиб борувчи ҳикматларга бой. Хар бир ҳикоя, ҳар бир қайд ва эслол инсоний келюккага белаб олинган. У гўё чоракдан отилиб чиқаётгандай, пўртана булоқ сувига ўхшайди. Ва сизни сеҳрлаб оқибди кетади. «Хар қадамда мен ўзимни учратаман, болалигимни, баҳор ёмғирда қолганимни, гуллар терганимни, кеч қузда дов-дахраҳдан барглар тўкилишини томоша қилганимни қайтадан кўргандай бўламан», — деб ёзади муаллим. Айтинг, ким шу ёшда шу ҳолатни бошидан ўтказмаган?

Аммо Ватан мана шундай ид-этиллини камдан-кам ўйлаб кўрган. Бу ҳақиқат ва бунинг учун бировни айблаб бўлмайди. Чунки асар оғир замонда, ўтган асрнинг етмишинчи йилларида ёзилган. У вақтда ҳаммамиз катта ёлгонга кўмилиб яшаганимиз ва барчанинг ватани битта бўлган. Шўролар тузуми шундай таълим-тарбия берган. Ҳамма нарса уйдирмага кўмиб ташланган. Гарчи шундай бўлса-да, шоир мавҳум тушунчалар орасидан она Ватанини ажратиб олиб, меҳрга, нурга белаб кўрсатади.

У фикр қўзғаш учун: «Дунё Кремлдан бошланмайди-ми?» дея савол қўяди ва кўнглидаги ёзувларни саҳифаларга сочиб ташлайди: «Мени тақдир қайси жойларга олиб бормасин, туғилган юртимнинг, тоғларнинг, отни эгарлашга ўргатган овулнинг вакили эканимни унутмайман ва ўзимни ўша жойларда Доғистоннинг махсус муҳбири сифатида сезаман...»

Мен учун дунё Доғистондан бошланиб, Доғистонда тугайди...  
Шоир Ватани, халқи ва унинг тарихи ҳақида тушунча берадир экан, «Бешикдаги ёзув», «Эшикдаги ёзув», «Чирокдаги ёзув», «Ёдгорликдаги ёзув», «Ханжардаги ёзув» каби қайдлар билан уни бойитди, айни вақтда халқнинг урф-одатлари ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади. «Оилада қиз туғилса, беланчагаги кўгирчоқча осилади, — деб ёзади шоир. — Унда шундай ёзув битилган: «Етти ака-укага опа бўл». Яхши ният...  
Одам боласи эс-хушини таниб, дунёга очик кўз билан қарай бошлагач, ҳаётнинг маъно-маъмунини англашга интилади, ўзини уйлантирган саволларга жавоб излайди. Мана шундай даврда бу китоб садоқатли дўст ва билимдон раҳнамо бўла олади. «Хар

бир одам болалигидан ўз халқининг вакили бўлиш учун дунёга келганини билиши ва шу вазифани зиммасига олишга ўзини тайёрлаши керак», — деб ёзади шоир ва мана шу вазифа инсон умрининг мазмун-моҳияти экани ҳақида баҳс этади, хулоса чиқаради ва ҳаётий билимининг тарбияси.


Тирик классик сифатида яшаб ўтган Расул Ҳамзатовнинг она тилига ихлосу аҳтироми ўтган асрнинг етмишинчи йилларида юракларга олов солган. Унинг «Она тилим» шеърини ёд билмаган одам камдан-кам топилади. Шу боис, шоирнинг бир байтини эслаш билан чекланса бўлади: «Эрта она тилим йўқолса агар, Мен бугун тайёрман бўлишга қурбон...»

Доғистонликларнинг ҳаёти, ўтмиши, урф-одатлари жуда ўхшаш бўлгани учунми, асар юртдошларимиз, она диёримиз ҳаётидан олиб ёзилгандек таассурот уйғотади. Ўғил-қизларимиз қўлдан қўймай ўқийдиган шундай бир китобга эҳтиёж бор эди, деб ўйлайсиз. Кейин, шу заҳматни бўйинга олиб уни таржима қилган ва тандирдан узилган қайноқ нондай олдимизга қўйган истеъдодли шоир Асрор Мўминга раҳмат, дейсиз...  
«Менинг Доғистоним»ни ўқиб чиққач, бир нимани йўқотганидай безовта бўласиз. Китобни яна қўлга олиб varaқлайсиз, нимани фаромуш қилдингиз, деб ҳар бир саҳифага кўз югуртирасиз. Бирдан хотимадаги мўъжаз шеър диққатингизни тортади. У кўз ёшдай мультитраб турибди:  
Бор-йўлинг таласан ёлар қўзига,  
Юртим, май қосадай кўрдинде фақат.  
Майшодан маст бўлиб, келмай ўзига  
Сенинг қонингни ҳам ичди бешафқат.  
О, жафокеш халқим, яшадиге қарам,  
Кўрдинг қанча хўраш, қанча бедодлик.  
Ё Рабб, қанча шаҳар келиб-кетса ҳам,  
Ягона орзуиңе бўлди Овдлик!..

Гаффор ХОТАМ

## Орамиздаги одамлар

### Бастакор оламига саёҳат




рида мунтазам ижро этилмакда. Шунингдек, "Тановар", "Юмореска", "Сайил", "Сўзсиз кўшик" каби асарлари республика кўрик-танловларида ижро этиладиган асарлар дастуридан муқим ўрин олган.

Унинг камер оркестри учун ёзган "Шодибена", "Шабда" ижодий ишлари халқаро миқёсда, расмий тадбирларда, дўстлик кечаларида, турли фестивалларда янграб турибди.

Бастакор оламнинг жозибаси оҳанглар қанотида кўнгилларни хушнуд этмоқда.

**Оқилхон ИБРОХИМОВ**



Миллий руҳни қамраган мусиқий ижод жараёни ўзининг сержилолиги, бетакорлиги, мусиқий мероснинг янги қирраларини кенг очиб бериши билан алоҳида ажралиб туради.

Камтарин инсон, Ватанига, халқига, касбига садоқатли бастакор Абдусайд Набиев доимо ангилликка интилиб, самарали ижодий изланишлар билан муҳлислари эътиборини қозониб келмоқда. Албатта, буларнинг замирида, энг аввало, соғлом оиладаги муҳитнинг ўрни бениҳоя катта.

У болалик хотираларида сақланиб қолган оилада тез-тез уюштирилаётган навоийхонлик кечаларини, онасининг гоҳо дутор чертишини, гоҳо жарангдор овозини пайсатирганча аллалар айтганини кечагидек эслайди. Ана шундай муҳитда улғайган Абдусайд аввал пойтахтдаги мусиқа мактабларидан бирида, сўнгра ТДПИ — ҳозирги Тошкент давлат педагогика университетининг мусиқа бўлимида таҳсил олди. Институтни бити-

риб, Келес туманидаги болалар мусиқа мактабиди ўқитувчилик қилди. Шу билан бирга Тошкент давлат консерваториясининг бастакорлик бўлимида атоқли устозлар — Сайфи Жалил ва Борис Зейдманлар синфида таълим олди.

У шу кунгача турли мусиқий жанрларда икки юзга яқин катта-кичик хажмдаги мусиқий асарлар яратди. Ижодий изланишлардан ташқари кўп йиллар мусиқа мактабларида, рақс жамоаларида устозлик қилиб, ёш авлодга гўзаллик дунёсига бошлади.

Бастакорнинг ижодий фаолияти серқирра. Бунда аёнанавий бастакорлик ва европача кўповозли ижод услубларининг омухталашувини кузатиш мумкин. А.Набиевнинг турли қолғулар ва оркестр учун яратган мусиқалари, симфоник поэмалари, рапсодиялари, балладалари, хор ва оркестр учун басталаган кантатаси, "Фотима"нинг саргузашлари эртагига ёзган мусиқаси, "Ургиям одам" фильмига басталаган мусиқаси, "Ўзбекистон", "Ватан байроғи", "Соғлом авлод бўлайлик",


"Наврўз бугун", "Юртим", "Баҳор" каби кўшиқлари фикримизни тасдиқлайди.

А.Набиев ўзининг фортепьяно учун ёзилган "Тановар", "Чапандози баёт", "Муножот" каби мумтоз асарлардаги миллий мусиқага хос ним парда, нола, қочирим сингари ижровий безакларни илк бор европа нота ёзуви тизимида сингдиришга муваффақ бўлди. Мазкур асарлар республикамиз ва чет эллик машҳур пианиночилар томонидан ижро этилмакда. Европа сози бўлиши фортепьянода эндиликда танбур-дутор оҳангини тўлиқ чалишининг имконияти бор. Ҳатто шундай оҳанглар скрипка-гитжак, флейта-най, труба-сурнай бўлиб жанраглмакда.

Унинг ижодида жаздан унумли фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Хусусан, муаллиф жаз мусиқасига хос жиҳатлари миллий айтимлар табиатига мос куйчанлик сифатлари билан пайваста этади.

Бугунги кунда ижодкор қаламига мансуб кўпball асарлар мусиқага ихтисослаштирилган олий ва ўрта махсус таълим муассасала-

### Озод замин тўхфаси



Рассом Ҳусан СОДИҚОВ, «Олтин қалам» миллий мукофоти совриндори

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўзбек кураши жаҳонга юз тутди. Бугун юздан зиёд хорижий мамлакатларда кураш тобора оммалашиб бормоқда. Жойларда турли даражадаги турнирлар, мусобақалар ташкил этилмакда. Яқинда Эронда ўтказилган Осиё чемпионати ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

### Полвонлар сараланди

Мусобақада кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Хусусан, 66 килограмгача вазнли полвонлар ўртасидаги бахсларда ҳамюртимиз Арслонбек Маҳмудов Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлган бўлса, яна бир вакилимиз Олим Равшановга кумуш медаль топширилди.

Вазни 73 килограмгача курашчилар беллашувида истеъдодли полвон Давлат Абраев ҳам Эрон ва Ироқ полвонларини енгиб, чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлди. Шунингдек, мусобақада ҳамюртларимиздан Улуғбек Қўлдошев кумуш, Шўхрат Арслонов, Елмурод Соатов ва Бехзод Турабоев бронза медаллари билан тақдирланди.


Таъкидлаш жоизки, қўшамизнинг ўндан зиёд давлатидан 150 нафарга яқин энг сара полвонлар иштирокида ўтган бу галги чемпионат барча курашчилар учун жорий йилнинг 19-23 октябрь кунлари Термизда ўтказилган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънанавий халқаро турнир ва катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатига муҳим тайёргарлик вазифини ўтади.

А.РЎЗИЕВ

### О т спорти

## Ахалтака шўҳрати

"Туркистон юлдузи" альбом-китоби нашрдан чиқди



га ихтисослашган республика миёнда энг катта ҳўжалик бўлиб, у 1995 йилда ташкил этилган. Бу ерда ахалтаканинг нобб Оқ билан зотини сақлаб қолиш ва кўпайтириш асосий вазифа қилиб белгиланган. Қолаверса, заводда от спортининг классик турларидан бўлмиш конкур ва от минши турлари ривож топмоқда.

Альбомда айна кунларда хорижда ахалтака отларига катта эътибор берилётгани тўғрисида фахр билан ёзилган. Бу ўз-ўзидан жониворларнинг нафақат мамлакатимизда, балки дунёда ҳам нуфузи ва шўҳрати бениҳоя юксаклигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, қайд этиш керакки, мамлакатимиздаги от спорти ва от заводи муассасалари хориждаги барча ахалтака отлари устида иш олиб борувчи клублар, ассоциациялар, фермалар, бирлашмалар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган.

"Туркистон юлдузи" китоб-альбоми ноширлик ва матбаачиликнинг юксак талабларига жавоб бериши билан бирга бу соҳадаги ютуқларни ўзида мужассамлаштирган. Ўзбек ноширлари ҳам дунё матбаачиларини ҳайратга соладиган маҳсулотлар чиқаришга қодирлигини кўрсатиб турибди. Ушбу альбом-китобни ахалтака отлари ҳақида кенг ва батафсил маълумот берувчи кичик энциклопедия дейиш мумкин. У нафақат от спорти усталари, чавандозлар, от заводлари мутахассислари учун, балки ушбу спорт турига қизиқадиган ёш спортчилар, отта меҳр қўйган инсонлар учун ҳам бирдай қимматли.

**Ашурли ЖЎРАЕВ**

рихий манбалар орқали исботлаб берган.

Муаллиф ахалтака отларини таърифлаб, шундай ёзади: "Ундаги нозик шакл ва қиёфа минг йиллар давомида сайқалланиб, камолга етган. Баланд бўйи, чайирлиги, аниқ кўзга ташланган яғрини, белининг узунлиги сабабли олдинга сал эгилган, бақувват сағриси, узун, ингичка оёқлари бошқа отлардан ажратиб туради".

Ахалтака отлари йиллар давомида тарих саҳифаларидан шон-шўҳратини йўқотмай келаётир. Ҳатто улар ҳақида тарихчи Геродот шундай деб ёзган: "Ахалтакаларнинг ёли шойсимон ва юмшоқ, бунини бошқа ҳеч қандай отларда учратмайсиз. У юкка атласга ўшайди ва алоҳида жилва беради".

Альбомнинг "Аргумоқлар изидан" бобида эса Ўзбекистонда ва дунёнинг қатор мамлакатларида ахалтака отлари билан боғлиқ спорт клублари, заводлари ҳақида кенг маълумотлар берилган. Мамлакатимизда эса "Ахалтака — Шер" от спорти клуби мазкур зотни кўпайтириш ва оммалаштириш мақсадида ташкил этилган. Масалан, спорт клуби саъй-ҳаракатлари туфайли асл ахалтакаларнинг сони сўнгги ўн йил мобайнида 20 тадан 300 тага кўпайди.

Шунингдек, "Ўзбегим" от заводи айнан ахалтака отларини кўпайтириш-

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси Нуриддин Очиловга умр йўлдоши **Зулфия ИБРОХИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Одам азал-азалдан от билан дўст, биродардир. У инсоннинг ҳамроҳи ва сирдоши экани ҳақида ҳақ дostonларда, бадий асарларда тараннум этилган, ибратли фильмлар яратилган. Дарҳақиқат, от ақлли жонивор бўлгани боис одамни тушунадди, дардини ҳис этади, гувончига шерик бўлади. Шу боис у ҳар қанча эъзоз-эҳтиромга муносиб.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланаётган кутлуг кунларда "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан "Туркистон юлдузи" альбом-китоби нашр этилди. Ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида чоп этилган ушбу альбомда асосан истиқлол йилларида мамлакатимизда от спорти ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар, юртимиз ва жаҳондаги от фермаларининг фаолияти ҳақида кенг маълумотлар берилган. Альбом "Самовий отлар", "Туркистон юлдузи" галиблари ва "Аргумоқлар изидан" деб номланган учта йирик бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири қатор кизикarli мақолаларни ўз ичига олган.

Альбомнинг асосий қисмида ахалтака отлари тўғрисида маълумотлар берилган. Жумладан, китобнинг "Насллар тарихидан", "Ахситана отлари" мақолаларида тарихий маълумотлар билан бирга чўқур таҳлилий мулоҳазалар юритилган. Альбом муаллифи, "Ахалтака — Шер" от спорти клуби директори Камол Мирҳўжаев ўз илмий изланишлари орқали ушбу тулпорнинг асл ватани Ўзбекистон эканини ҳам қатор та-

## ХОҲЛАГАНИНГНИ ТАНЛАБ ОЛ! НАРХЛАР 25 % ГАЧА АРЗОНЛАШДИ ИНТЕРНЕТ-ПАКЕТЛАР

Пакетлар	Пакетдаги трафик ҳанми	Пакет нархи	Пакетни активлаштириш учун USSD-қоманда
«Internet 25»	25 Мб	\$0,8	*11*019*1#
«Internet 60»	60 Мб	\$1,5	*11*019*2#
«Internet 125»	125 Мб	\$3,0	*11*019*3#
«Internet 500»	500 Мб	\$7,0	*11*019*4#
«Internet 1000»	1000 Мб	\$9,0	*11*019*5#
«Internet 2000»	2000 Мб	\$11,0	*11*019*6#
«Internet 5000»	5000 Мб	\$25,0	*11*019*7#
«Internet 10000»	10000 Мб	\$45,0	*11*019*8#

Изоҳлар:  
 • Интернет-пакетлардан активлаштирилган кундан бошлаб 30 кун ичида фойдаланиш мумкин;  
 • Билте рақамга бир вақтда минтагага Интернет-пакет ўлаш мумкин;  
 • Абонент ҳисобидан ҳар бир пакет активлаштирилганда ҳақ олинади.



**ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ ОАЖ** 1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини классер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИҒИ!  
 Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48  
 Сайт: www.pochta.uz, E-mail: oao@post.uz

**HURRIYAT**  
 MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

9 772010 752002

Бош муҳаррир **Ўқтам МИРЗАЁРОВ**

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11  
 Андижон — 8-374-250-90-39  
 Бухоро — 8-365-592-85-02  
 Самарқанд — 8-366-233-62-12  
 Сурхондарё — 8-376-396-30-59  
 Фарғона — 8-373-215-80-58  
 Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Иномжон АБДИЕВ**

Топшириш вақти — 21 00  
 Топширилди — 21 00

® — тижорат белгиси.

Адади: 5383 Буюртма — Г-955 12345